

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 336.71**

ГАЙНАЗАРОВ ЖАВЛОН АБДУСАЛОМОВИЧ

**«ИҚТИСОДИЁТНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ
ШАРОИТИДА БАНК КРЕДИТЛАРИ БЎЙИЧА ҲИСОБ-
КИТОБЛАР АУДИТИ УСЛУБИЁТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ»**

Мутахассислик: 5A230902-«Аудит (тармоқлар ва соҳалар бўйича)»

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: и.ф.н., профессор Файзиев Ш.

ТОШКЕНТ-2017

Диссертация Тошкент молия институти «Аудит» кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар

и.ф.н., профессор Файзиёв Ш.

Кафедра мудири

и.ф.д., профессор Туйчиев А.

Магистратура бўлими бошлиғи

и.ф.н., доцент Ортиқов У.

МУНДАРИЖА:

Кириш	3
I БОБ. БАНК КРЕДИТЛАРИ АУДИТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	8
1.1. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти узлуксизлигини таъминлашда банк кредитларидан фойдаланишнинг аҳамияти ва зарурлиги.....	8
1.2. Банк кредитлари аудитининг мақсади ва вазифалари.....	17
I боб бўйича хулоса	24
II БОБ. МИЛЛИЙ СТАНДАРТЛАР АСОСИДА БАНК КРЕДИТЛАРИ АУДИТИНИ ТЕКШИРУВИДАН ЎТКАЗИШНИНГ ҲОЗИРГИ АМАЛИЁТИ.....	26
2.1. Банк кредитлари аудитини режалаштириш.....	26
2.2. Банк кредитлари бўйича ҳисоб-китобларни текширишда аудит амалларини қўллаш.....	34
2.3. Банк кредитлари аудитини ўтказиш ва натижаларни умумлаштириш тартиби.....	40
II боб бўйича хулоса	50
III БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА БАНК КРЕДИТЛАРИ АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙўНАЛИШЛАРИ.....	51
3.1. Банк кредитлари аудитини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш.....	51
3.2. Аудиторлик текширувларида корхона кредитга лаёқатлилигини аниқлашни такомиллаштириш йўналишлари.....	58
III боб бўйича хулоса	64
Хулоса ва таклифлар	66
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	69
Иловалар.....	73

Кириш

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Иқтисодий-технологик модернизациялаш шароитида ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини тўғри йўлга қўйишга, уларнинг молиявий барқарорлиги ва тўловга лаёқатлилигини таъминлашга хизмат қилади. Иқтисодий-технологик модернизациялаш корхоналар ишлаб чиқарадиган маҳсулотининг сифати ва баҳосига сезиларли таъсир кўрсатиб, уларнинг рақобатбардошлигини таъминлашга ва мажбуриятларнинг асоссиз кўпайиб кетишининг олдини олишига имкон яратади.

Мамлакат иқтисодий-технологик тараққиёти ва ривожига банк кредитларидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу жараёнда тижорат банкларининг ролини янада ошириб бориш зарур. Бу борада Президентимиз Ш.Мирзиёев қуйидагиларни таъкидлайди “Мамлакатимиз банк тизими ва бозор инфратузилмасининг бошқа органлари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳам долзарб масала бўлиб қолмоқда. Афсуски, ҳозирги кунда уларнинг фаолияти бугунги ҳаёт ва иқтисодий ислохотлар талабларидан анча ортда қолмоқда. Шунинг учун биз бугунги йиғилишимизга барча йирик тижорат банклари раҳбарларини ҳам таклиф этганмиз. Уларнинг бош вазифаси - бундан кейин ўз иш услубларини тубдан ўзгартириб, фуқароларимиз ва тадбиркорларнинг ҳақиқий ишончини қозонишга ва уларга ҳақиқий кўмакдош бўлишга эришишдан иборат”¹

Ҳозирги кунда банк кредитлари миқдори, таркиби ва динамикасини мунтазам равишда ўрганиб бориш ва уни аудиторлик текширувидан ўтказишда муайян методика яратилган.

Аммо банк кредитлари аудитида далиллар тўплаш жараёни, кредитнинг таъминланганлик ҳолати, кредитга лаёқатлилиқни баҳолаш, аудит натижаларини ҳужжатлаштириш ва умумлаштириш масалалари

¹ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2016. 22-бет

комплекс тарзда ўрганилмаган. Бу эса мазкур магистрлик диссертация иши долзарблигидан далолат беради.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объекти сифатида “Одил аудит” аудиторлик ташкилоти маълумотлари олинди. Мазкур диссертациянинг предмети республикамиз ҳўжалик юритувчи субъектларида банк кредитлари бўйича ҳисоб-китоблар аудитини ўтказиш услубий асосларини ўрганиш ҳамда уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш.

Тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари. Ушбу магистрлик диссертация ишининг мақсади банк кредитлари бўйича ҳисоб-китоблар аудитини такомиллаштириш юзасидан тегишли хулоса ва таклифларни киритиш ҳисобланади.

Юқоридаги мақсаддан келиб чиқиб, ишни бажаришда қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- банк кредитлари аудитида аудиторлик амалларининг кетма-кетлигини ишлаб чиқиш ҳамда текшириладиган ҳисоб ҳужжатлари таркибини белгилаш;

- аудиторлик текширувларини тизимли олиб бориш мақсадида банк кредитлари аудитининг дастурини ишлаб чиқиш;

- банк кредитлари бўйича ҳисоблашишларни текширишда аудит амалларини қўллаш жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- банк кредитлари бўйича ички назорат тизими ҳолатини баҳолаш мезонини ишлаб чиқиш;

- банк кредитлари аудитида халқаро стандартлар асосида далил тўплаш жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- аудиторлик текширувларида корхона кредитга лаёқатлилигини аниқлашни такомиллаштириш бўйича тавсиялар бериш.

Илмий янгилиги. Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда ўз ифодасини топган:

-банк кредитлари аудитида аудиторлик амалларининг кетма-кетлиги ишлаб чиқилди ҳамда текшириладиган ҳисоб хужжатлари таркиби белгиланди;

-аудиторлик текширувларини тизимли олиб бориш мақсадида банк кредитлари аудитининг дастури ишлаб чиқилди;

-банк кредитлари бўйича ҳисоблашишларни текширишда аудит амалларини қўллаш жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;

-банк кредитлари бўйича ички назорат тизими ҳолатини баҳолаш мезони ишлаб чиқилди;

-банк кредитлари аудитида халқаро стандартлар асосида далил тўплаш жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;

-аудиторлик текширувларида корхона кредитга лаёқатлилигини аниқлашни такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари қуйидагилардир:

- банк кредитлари бўйича ҳисоб-китобларни текширишда аудитнинг миллий ва халқаро стандартлардан фойдаланиш ўта муҳим;

- банк кредитлари аудитида халқаро стандартлардан фойдаланиш аҳамияти муҳим эканлигини илмий жиҳатдан асосланиши тадқиқот мавзусининг услубиятини очиб беради;

- банк кредитлари бўйича ҳисоб-китобларни текширишда таҳлилий амаллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир;

- аудиторлик текширувларида банк кредитларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш имкониятларини очиб бериш мумкин.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили). Банк кредитлари бўйича ҳисоб-китоблар аудити услубиятини такомиллаштириш масалалари қуйидаги адабиётларда ўз аксини топган:

- В.И. Подольский, А.А. Савин, Л.В. Сотниковаларнинг “Аудит” дарслиги дарслиги (-М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2009. 536-542-бетлар);

- М.М.Тулаходжаева ва бошқаларнинг “Аудит” дарслигида (-Т.: “DeHaus Print”, 2011. 558-561-бетлар);

- К.К.Арабяннинг “Организация и проведение аудиторской проверки” ўқув қўлланмасида (-М.:Юнити-Дана, 2009.) 168-172-бетлар);

- Л.И.Воронинанинг “Аудит. Теория и практика” дарслигида (-М.: Омега-Л, 2011) . 236-244-бетлар);

- Т.М.Рогуленконинг “Аудит” дарслигида (-М.: Юрайт, 2012). 205-211-бетлар);

- М.Ф.Сафонова ва С.И.Жминьколарнинг “Практический аудит” ўқув қўлланмасида (-М.: Феникс, 2012). 188-194-бетлар).

Аммо банк кредитлари бўйича ҳисоб-китоблар аудитини такомиллаштириш масалалари мазкур адабиётларда тўлиқроқ ёритилмаган.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқот масалалари бўйича шахсий календар иш режаси тузилиб, унга кўра қуйидаги изланишлар олиб борилди:

- тадқиқот учун зарур бўлган усул ва йўналишлар рўйхати тузилди ва ўрганиб чиқилди ҳамда тадқиқот ўтказиш учун танлаб олинди;

- илмий-тадқиқот муаммоси шакллантирилди ва тавсифланди;

- тадқиқот жараёнида ҳал этилиши лозим бўлган саволлар тузилди;

- тадқиқот долзарблиги, янгилиги ва амалий аҳамиятга эгаллиги асосланди;

- тадқиқот мавзуси бўйича мавжуд вазиятлар классификацияси ва нуқтаи назарлар қиёсий таҳлил қилинди;

- олинган натижаларни янгилик, объективлик ва шубҳасизлик, ишончлилиқ ва яхлитлик талабларига жавоб бериши текширилди;

- хулоса ва таклифлар шакллантирилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.. Диссертациядаги илмий хулосалар ва тавсиялар, банк кредитлари бўйича ҳисоб-китоблар аудитини халқаро талаблар асосида ташкил этилишига имконият яратади.

Тадқиқот натижаларидан банк кредитлари бўйича ҳисоб-китоблар аудитини ташкил этиш борасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда, олий ўқув юртларида амалий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Магистрлик диссертация иши жами 73 бетни ташкил этиб, унда 4 та жадвал ва 5 та расм келтириб ўтилган.

I БОБ. БАНК КРЕДИТЛАРИ АУДИТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти узлуксизлигини таъминлашда банк кредитларидан фойдаланишнинг аҳамияти ва зарурлиги

Ўзбекистон банк тизими ўз тараққиётининг сифат жиҳатидан янги босқичини бошидан кечирмоқда. Бу босқич макроиктисодий вазиятдаги жиддий ўзгаришлар, умумиктисодий вазифаларни ҳал этишда банк потенциали ва таъсирининг ўсиши билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида амалга оширилган тадбирлар Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011 - 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1438-сонли ва 2015 йил 6 майдаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2344-сонли Қарорларида белгилаб берилган устувор вазифаларнинг ижросига қаратилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори билан тасдиқланган 2011 - 2015 йилларда банк тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш дастурининг якунловчи йилида мазкур дастурда белгиланган банк тизими фаолиятининг барча йўналишлари бўйича ўсиш суръатлари прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши таъминланди.

1.1-жадвал маълумотларидан кўринадикки, 2007-2016 йиллар мобайнида кредит қуйилмалари мутлоқ миқдорининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Унинг ЯИМдаги салмоғи улуши ҳам 2007-2016 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу ижобий ҳолат ҳисобланади ва иқтисодиётни банк кредитлари билан таъминлашда муаммоларни пасайиб бораётганидан далолат беради. Шу билан бирга 2007-2016 йиллар давомида кредит

қўйилмаларнинг ЯИМдаги салмоғи ошган ва бу тижорат банклари кредит фаолиятини анча ривожланганлигини ҳамда такомиллашганини билдиради.

1.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кредит қўйилмалари динамикаси²

Кўрсаткичлар	Йиллар									
	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016
ЯИМ, млрд. сўм	22731,4	36839,4	48097	61831	77800	96600	120861,5	144867,9	171369,0	199300,0
Кредит қўйилмалари умумий суммаси, млрд. сўм	4777,6	6374,4	8558,2	11539	15700	20400	25529,9	34809	42685	53378,5
Тижорат банклари жами кредит қўйилмаларни ЯИМга нисбати, фоизда	21,02	17,3	17,79	18,66	20,17	21,11	21,13	24,03	24,91	26,0

Тижорат банкларининг капиталлашувини ошириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар натижасида 2016 йил якунилари бўйича банк тизимининг умумий капитали олдинги йилдагига нисбатан 20,2 фоизга ошиб, қарийб 9,4 трлн. сўмни ва капиталнинг етарлилик даражаси кўрсаткичи умумий қабул қилинган халқаро стандартлардан деярли 3 баробардан зиёдни ташкил қилди.

2016 йил давомида акциядорлик-тижорат банклари томонидан банк устав капиталини ошириш мақсадида 401,4 млрд. сўмлик акциялар инвесторлар ўртасида, шундан, 245,7 млрд. сўмлик акциялар нодавлат сектори ўртасида жойлаштирилди³.

Бундан ташқари давлат активларини хусусийлаштириш, аввало, чет эллик инвесторларга сотиш вазифалари қўйилди ва бунинг учун тегишли шароитлар яратилди. Масалан, 506 та мулк комплекси танлов асосида, инвестиция киритиш шарти билан «ноль» қийматида янги мулкдорларга сотилди. Бу борада ана шу инвесторлар қарийб 1 триллион сўм ва 40 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш, шунингдек, 22 мингга яқин янги иш ўрни яратиш мажбуриятини олганини қайд этиш лозим.

² Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тайёрланган. www.cbu.uz

³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тайёрланган. www.cbu.uz

Шу билан бирга, 245 та кам рентабелли ва фаолият кўрсатмаётган ташкилот тўлиқ тугатилди⁴.

Аммо мамлакатимиз иқтисодиётининг реал сектори суръатларининг ҳали етарли даражада эмаслигини таъкидлаш лозим.

Бундай шароитда банк тизими кредит бериш амалиётларини таҳлил этиш, ўрганиш ва уларни республика иқтисодиётига тадбиқ этиш каби вазифаларни амалга ошириш энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Тижорат банкларининг кредит фаолиятини такомиллаштириш, хўжалик юритувчи субъектларни молиялаштиришда уларнинг ўрнини ошириш масаласи 2017 йил 7 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармонида ҳам ўз аксини топган. Мазкур Фармоннинг 2017 — 2021 йилларда “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” номли 1-илоvasида “банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш”⁵ вазифаси белгилаб берилди.

Дарҳақиқат иқтисодиёт тармоқларининг ривожланишида банк тизими муҳим аҳамият касб этади. Шу билан биргаликда ҳар бир хўжалик юритувчи субъектда улар таркибидаги маблағлар ва уларни молиялаштириш манбаларини доимий равишда назорат қилиб туриш талаб этилади. Фаолиятнинг барқарорлигини таъминлаб туришда хўжалик юритувчи

⁴ Каримов И. Бош мақсадимиз — иқтисодиётимизда олиб борилаётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. —Тошкент: “Ўзбекистон”, 2016. **15-бет**.

⁵ 2017 йил 7 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони. 3.1-банд. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

субъектлар тижорат банкларидан узоқ ва қисқа муддатли кредитлар олишига тўғри келади.

Банкнинг кредит маҳсуллари ҳажми фақат ўз маблағлари ҳажмига эмас, балки жалб қилинган маблағлар ҳажмига ҳам боғлиқ. Бозор иқтисодиети шароитида банк мижозларнинг маблағларини қўшимча равишда жалб қилиш йўли билан катта миқдордаги маблағлар билан савдо қилиш мумкин. Банк ўзи учун эмас бошқалар учун бу қўшимча маблағларни жалб қилади ва қанча кўп миқдорда пул маблағларини жалб қилса, у шунчалик катта ҳажмдаги кредит ресурсларига эга бўлади.

Хорижий банклар тажрибаси шуни кўрсатдики, таъминот сифатидаги моддий-товар бойликлар ссудаларни ўз вақтида қайтарилишига ишонч ҳосил қилиш ҳуқуқини бермайди. Бундай ишончга эга бўлиш учун қарз олувчининг секин айланадиган, доим тез сотилмайдиган моддий захиралари ва жами мулкни ҳамда тез сотиладиган активлар таркибини чуқур ўрганиш талаб этилади. Хориж иқтисодчиларнинг фикрича моддий захиралар билан таъминланган кредитлар - энг ишончсиз кредитлар деб ҳисобланиши ҳам бежиз эмас, лекин шу вақтнинг ўзида моддий-товар бойликлар (захирада бўлмаган, ҳаракатда бўлган) билан таъминланган кредитлар энг ишончли бўлиб ҳисобланади.

Таъминланганлик банкнинг кредитлаш тизимида унинг фундаментал элементи бўлиб қолади, бирон бир лойиҳани молиялаштиришда уни энг охириги мудофаа чизиғи деб ҳисоблаш мумкин.

Банкларнинг кредитлаш функцияси бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ўзига хос роль ўйнамоқда. Банкларнинг кредит бера олиш қобилияти нафақат аҳоли қўлидаги бўш маблағлар йиғилишига ҳамда корхона ва ташкилотларнинг ўз пул маблағларини кўпайтира олиш қобилиятига боғлиқ, балки бугунги кунда аҳолининг банкка бўлган ишончига, ҳамда бошқа омилларга боғлиқ бўлиб бормоқда.

Республика ҳудудларида, айниқса қишлоқ жойларида банк инфратузилмасини янада кенгайтириш орқали аҳолига ва фермер

хўжаликларига кўрсатилаётган банк хизмат турларини кўпайтириш, уларга банк хизматларидан фойдаланишда қулайликлар яратиш ҳамда банклар ўртасидаги рақобат муҳитини янада кучайтириш мақсадида, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республикада фаолият кўрсатаётган тижорат банклари сони 27 тани ташкил этиб, уларнинг 8 таси хусусий ва 5 таси чет эл капитали иштирокидаги тижорат банки ҳисобланади.

Жумладан, ҳудудларда кўрсатилаётган банк хизматлари кўламини ошириш ҳамда хусусий капитални банк тизимига жалб этишни янада кенгайтириш мақсадида 2016 йил октябрь ойида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 53-моддасига мувофиқ, Фарғона шаҳридаги «Мадад Инвест Банк» хусусий акциядорлик тижорат банкига банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берилди.

Бугунги кунда республика ҳудудларида тижорат банкларининг 855 та филиали фаолият кўрсатмоқда.

Банк муассасаларини аҳоли зич жойлашган манзиллар ҳамда ишлаб чиқариш ҳудудларига яқинлаштириш мақсадида тижорат банкларининг 4295 та мини-банк ва махсус кассалари ташкил этилган бўлиб, шуларнинг 2221 таси қишлоқ жойлардаги аҳоли ва фермер хўжаликларига сифатли банк хизматларини кўрсатиб келмоқда⁶.

Бу эса, кредитлаш жараёнидаги маълумотлар номуносивблиги, нотўғри қарор қабул қилинишининг олдини олишга ва шу орқали банк тизимида кредит рискин камайтириш ҳамда банкларнинг кредит портфели сифатини оширишга хизмат қилмоқда.

Банкнинг кредит операциялари узоқ ёки қисқа муддатли бўлишлиги иқтисодий шарт - шароитга боғлиқ бўлади.

Иккинчидан кредит қайтарилишнинг таъминланганлиги ссуда беришнинг мажбурий шарти ҳисобланади.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тайёрланган. www.cbu.uz

Ўзбекистон банклари амалиётида қуйидаги кафолатларга асосланиб кредит берилади:

- Республика Вазирлар Маҳкамасининг ёки Молия вазирлигининг кафолатига асосан;
- биринчи даражали хорижий банкларнинг кафолатига асосан;
- тижорат банкларнинг кафолатига асосан;
- ҳуқуқий шахсларнинг хизмат кўрсатилаётган банклари томонидан ҳисобга олинган ва тасдиқланган кафолатига асосан.

Банк, ушбу таъминот тури бўйича кредитлар беришда, субъектив сабабларга асослани. Яъни кафолат берувчининг кафолатлигини тасдиқловчи омилларга ёки унинг рейтингига асосланиб кредит берилади. Кредитнинг сўндирилмаслик rischi асосий суғурта ташкилотлари томонидан суғурталанади.

Лекин, кафолатдан фойдаланишда, кафолатлар ўз навбатида қуйидаги категорияларга бўлинади:

- маҳаллий ва чет эл валютасидаги депозитлар;
- асосий воситаларининг актив қисмидаги гаровлар (машина ва жихозлар);
- кўчмас гаров, ипотекали кредитлар (бино, иншоотлар);
- ўзгарувчан гаровлар (жўнатишган товарлар, ишлаб чиқариш захиралари ва дебиторлик қарзлар, тайёр маҳсулот, тушган тушум);
- гаров шартномалари, контрактлари, қимматли қоғозлар;
- бошқа гаров буюмлари.

Кредитларни қоплашнинг иккиламчи шаклларида фойдаланиш кўп меҳнат талаб қиладиган, узоқ муддатли жараён ҳисобланади. Шундай бўлсада, ушбу шакллардан бизнинг амалиётимизда кенг фойдаланилади. Чунки иқтисодиётимиздаги кўплаб корхоналарнинг молиявий аҳволи кўнгилдагидек эмаслиги, тадбиркорларнинг бу соҳадаги билимлари етарли даражада эмаслиги шуни тақозо этади.

Гаровнинг миқдориға бўлган умумий талаб бу гаровга қўйилган мулк қийматининг берилган кредит ва унга ҳисобланган фоизлар суммасидан кўп бўлишидан иборат. Гаровнинг сифат ва миқдор жиҳатлариға бўлган махсус талаблари гаров шаклиға ва рисклилиқ даражасиға боғлиқ бўлади.

Товар-моддий бойликларнинг гаров предмети бўлишға мақбуллиғи 2 омил орқали аниқланади:

- бойликларнинг сифати;
- кредиторни уларнинг сақланиши устидан назорат қила олиш имконияти. Товар-моддий бойликларининг сифат мезони қуйидагилар ҳисобланади: -тез сотилиши;
- нархларнинг нисбатан барқарорлиғи; -суғурталаш имконияти;
- сақланиш муддатининг узоқлиғи.

Шунинг учун тез эскирадиган товарлар гаровга қабул қилинмайди.

Фақатгина ушбу мезонларни аниқлаш ва уларға мос келадиган бойликларни гаровга қабул қилиш эмас, балки уларни сақланишини таъминлаш ҳам муҳимдир. Фақат шундагина қўйилган гаров кредитнинг қайтарилишиға кафолат бўлиши мумкин⁷.

Банклар, алоҳида кредит ташкилоти сифатида (мустақил) иқтисодий, сиёсий шарт-шароитлар, банк қонунчилигининг ривожланиш даражаси, банклараро рақобат ҳамда банк инфратузилмасининг ривожланиш даражасини эътиборға олган ҳолда ўз кредит сиёсатини амалға оширади

Аммо ҳозирги шароитда банк кредит операцияларидаги муаммоли кредитларни вужудға келишиға айрим умумлашган макроиқтисодий омиллар сабаб бўлмоқда. Фикримизча, уларни қуйидагиларға ажратиш мумкин:

1.Кредит олиш учун берилган буюртманомани юзаки кўриб чиқиш натижасида.

2. Кредит олувчининг кредит қобилиятини ва қарз бериш билан боғлиқ хатарни нотўғри баҳолаш натижасида.

⁷ Абдуллаева Ш. "Банк иши". Дарслик. Т.:Молия, 2012.-184 б.

3. Кредит фоизини нотўғри белгилаш натижасида.

4. Кредит шартномасини нотўғри тузиш натижасида.

Ўзбекистон тижорат банклари ўз фаолиятлари давомида катор муаммоларга дуч келадилар, уларни ҳал қилиш эса иқтисодиётимизнинг келажақдаги тараққиёти учун муҳим ҳаётий масаладир. Бу муаммони:

Биринчидан, навбатда, кўпчилик банк миждозларининг қоникарсиз молиявий аҳволи келтириб чиқаради. Сир эмаски, қачонлардир ўз банк тизимларини ислоҳ қилган мамлакатларнинг қарийб барчаси у ёки бу даражада шу муаммони ҳал қилиш зарурати билан тўқнашганлар.

Иккинчидан; қарздорни кредит олиш қобилиятини нотўғри баҳолаш натижасида:

- иқтисодиёт бўғинлари субъектларини давлат маъсарруфидан чиқиши ва хусусийлаштирилиши;

- корхоналарнинг молиявий барқарорлигини тўлиқ акс эттирмайдиган иборат маблағларини улар ихтиёрида тўпланиб қолиши (корхона ихтиёрида бегона шахсларнинг пул маблағларини тўпланиб қолиши);

- банк тизимини тўлиқ хўжалик ҳисобига ўтиш ва банк барқарорлигини тиклаш учун банк рискларини пасайтириш ва бошқалар.

Мазкур муаммоларни бартараф этиш банк томонидан тузилган кредит сиёсатининг самарали ижросини таъминлаш орқали ташкил этилади.

Шунинг учун тижорат банклари, барча операцияларидан ҳам аҳамиятлироқ бўлган кредит операцияларига асосий эътиборни қаратиб қуйидаги ишларни чуқурроқ назоратга олиш ва муаммоли кредитларни камайитириш усуллари сифатида кўриб чиқишлари зарур:

- кредит сиёсатини стратегия ва тактикасини ишлаб чиқишда асосан кредит муносабатларни тамойилларига, кредит фоизларини ўз вақтида ундириш даврлари ва унинг усулларига, кредитни давлатнинг устувор соҳаларига жойлаштиришга, келажаги мавжуд тармоқлар соҳасига жойлаштиришга эътибор бериш:

-кредит сиёсатини ишлаб чиқишда унинг амалга ошириш механизмини устувор такомиллашган усулларига амал қилиш;

-кредит шартномаси шартларини ҳақиқий бозор муносабатларига мос ҳолда тузиш учун такомиллашган шаклларига эътиборни чуқурроқ қаратиш:

-кредит ва унинг фоизларини қайтмаслик riskини камайтириш учун кредит портфелни диверсификациялаш механизмига эътибор беришга:

-кредит мониторинги ва унинг мақсадли ишлатилиши юзасидан қатъий интизом ўрнатилганлигига:

-кредит қайтмаслик riskини олиш учун аввалдан тақдим этган бизнес режа бажарилиши устидан доимий назоратни амалга ошириш ва унинг натижаларини шу вақтни ўзида бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга:

-таъминот турларини сақланиш ҳолати, кафил ва суғурталанган компанияларни молиявий фаолиятини махсус аудитор компаниялар томонидан текширилган хулосалари олиб назоратга олиш ва тегишли чораларни шу вақтнинг ўзида бартараф этишга:

-тижорат банкларига Марказий банк томонидан ўрнатилган нормативларга риоя қилишга:

-Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатини батафсил амалга ошириш ва бошқалар эътиборига қаратиш зарур.

Шу сабабли, кредит riskларини пасайтириш ва банкларнинг берган ўз кредитларини муддатларида ундирилишини таъминлаш мақсадида, банклар уларнинг дастлабки даврдан бошлаб уни тўлиқ ундириб олгунга қадар бўлган даврда назорат қилишлари зарур. Бу ўз навбатида банкларнинг кредит сиёсатлари тўғри тузишлари ва кредит портфелларини доимий мониторингини кучайтиришлари лозим.

Бундан ташқари банклар томонидан ишлаб чиқиладиган кредит сиёсати ҳар бир банк фаолиятида ривожланган мамлакатларнинг банк ишидаги ютуқлари ва тажрибаларини эътиборга олишимиз керак. Акс ҳолда, бутун иқтисодиётни самарали фаолият юритишини таъминлаб бўлмайди.

Буларнинг барчаси келажакда мамлакат тижорат банкларининг кредит портфелини самарали бошқаришга ва улардаги пайдо бўладиган кредит рискларини пасайтиришга муҳим омил бўлади деган умиддамиз.

1.2. Банк кредитлари аудитининг мақсади ва вазифалари

Мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ва самарали ислохотлар натижаси ўлароқ иқтисодий кўрсаткичларнинг барқарорлиги сақланиб қолинмоқда, бунга таъсир этувчи асосий омиллар сифатида иқтисодиётнинг модернизация қилиниши, ишлаб чиқаришни эркинлаштириш дастурининг бекаму-кўст бажарилиши ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро мажбуриятларнинг ўз вақтида ижро этилиши, тўлов интизомига амал қилинишини келтиришимиз мумкин.

Мажбуриятлар миқдори хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини белгилаб берувчи муҳим кўрсаткичлардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 234-моддасига мувофиқ, «Мажбурият — фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса — қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади»⁸.

Ўз фаолиятини амалга ошириш учун корхона тасарруфида муайян иқтисодий ресурслар — бозор талаби билан таъминланадиган иқтисодий неъматлар, ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган элементлар мавжуд бўлиши лозим. Шундай ўринли савол туғилади: қандай манбалар ҳисобига корхонада иқтисодий ресурслар пайдо бўлган? Бу ресурсларнинг бир қисми корхонага унинг мулкдорлари томонидан тақдим этилади. Мулкдорлар томонидан киритилган маблағларнинг (пул, моддий ёки номоддий) умумий суммаси ўз капитал деб аталади. Ресурсларнинг бир қисми мулкдор

⁸ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 234-моддаси.

ҳисобланмаган бошқалар томонидан киритилади ёки корхона билан корреспондент алоқаларга кирган юридик ва жисмоний шахслардан (кредиторлар, мол етказиб берувчилар ва б.) жалб қилинган маблағларни ташкил қилади.

Жалб қилинган капитал сифатида хўжалик субъектининг жисмоний ёки юридик шахслар олдидаги қарздорлиги натижасида, яъни фирманинг ўрнатилган муддатда олинган иқтисодий ресурсларни ёки уларнинг пул эквивалентини (томонлар келишувига биноан), шунингдек, уларга ҳисобланган мукофотларни (агар шартномада бу назарда тутилган бўлса) эгаларига (қарз берувчиларга) қайтариш мажбурияти юзага келади.

Мажбурият хўжалик субъектининг амалга оширилган ҳаракатлари (битимлар) натижасида шаклланган жалб қилинган маблағлар манбаи бўлиб, товарлар, кўрсатилган хизматлар ёки бажарилган ишлар учун келгуси тўловлар учун юридик асос сифатида хизмат қилади. Тенгламанинг ўнг ва чап томони миқдори доимо мос келади, чунки айнан бир нарса турли нуқтаи назар билан кўриб чиқилади.

Фақат ўз капиталидан фойдаланувчи корхона энг юқори молиявий барқарорликка эга бўлади (унинг молиявий мустақиллик коэффициенти бирга тенг), лекин бу ҳолда у ўзининг ривожланиш суръатларини чегаралайди ва қўйилган капиталга фойда келтиришнинг молиявий имкониятларидан чекланиб қолади. Корхоналарнинг эҳтиёжларини қоплаш учун асосий ва айланма маблағларга кўп ҳолларда қарз капиталини жалб этиш зарур бўлиб қолади. Қарз капитали қуйидаги ижобий хусусиятлар билан тавсифланади:

- жалб қилишнинг етарлича кенг имкониятлари;
- активларини жиддий кенгайтириш ва хўжалик фаолияти ҳажмининг ўсиш суръатларини ошириш зарурати туфайли корхоналар молиявий потенциали ўсишини таъминлаш;

– ўз капитали билан қиёсланганда нисбатан паст қиймати (фойда солиғи тўлашда солиққа тортиладиган базадан унга хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар чиқариб ташланади).

Айни вақтда қарз капиталидан фойдаланиш қуйидаги камчиликларга эга:

- молиявий барқарорлик ва тўлов қобилияти пасайиши rischi;
- қарз капитали қийматининг молия бозори конъюнктурасининг тебранишларига юқори даражада боғлиқлиги;
- жалб қилиш процедурасининг мураккаблиги (хусусан катта ҳажмда).

Шундай қилиб, қарз капиталидан фойдаланувчи корхона ўз ривожланишида нисбатан юқори молиявий потенциалга (активларнинг кўшимча ҳажмини шакллантириш ҳисобига) ва фаолиятнинг молиявий рентабеллигини ошириш имкониятларига эга бўлади, бироқ кўп ҳолларда молиявий риск ва банкротлик таҳдидига дучор бўлади.

Корхонани молиялаштиришнинг барча ташқи манбалари икки тоифадан бирига мос келади: кредитлар олиш йўли билан молиялаштириш (қисқа ва узоқ муддатли) ва қимматли қоғозлар чиқариш. Кредит ресурсларини жалб этиш корхона имкониятларини кенгайтиради, ўз капитали қайтими кўпайишига имкон беради. Қарз капиталининг бу хусусияти молиявий дастак самараси номини олди. Молиявий дастак самараси – тўлов шарти бўлишига қарамай кредитдан фойдаланиш эвазига олинадиган ўз маблағларининг рентабелликка орттирмасидир. Асосий ва айланма маблағлар қандай молиялаштирилиши (молиялаштириш манбалари таркиби қандай бўлади?) корхона қандай сиёсат юритишига боғлиқ бўлади. Агар ўз капитали корхонанинг айланма маблағларга жами эҳтиёжини қопласа, у ҳолда бундай сиёсат консерватив деб аталади – корхона риск қилмайди, лекин даромадлилик даражаси пасаяди. Корхона айланма маблағларини тўлдириш учун асосан қисқа муддатли маблағлардан, яъни кредиторлик қарзи ва қисқа муддатли банк кредитидан фойдаланади, риск ўз

вақтида керакли миқдорда пул жалб қилмаслик эҳтимоли ҳисобланади ва бунда корхона тўловга ноқобил бўлиб қолиши мумкин. Корхона учун узок муддатли активларини ва ўз маблағлари ҳисобига айланма активларининг ўндан бирини молиялаштириш оптимал ҳисобланади.

Кредит муносабатлари ташкилотлар даражасида акс эттириладиган макроиктисодий омиллар биринчи навбатда саноат капиталининг доиравий айланмаси натижалари бўйича банк капитали талаб этилган қайтимининг мажбурий шарти сифатида кредитлашнинг базавий тамойилларига (қайтувчанлик, муддатлилик, тўловлилик, таъминланганлик, ва мақсадли фойдаланиш) риоя қилиш зарурати билан боғлиқ. Мажбуриятлар бўйича фирмалар қарздорлиги (етказиб берувчиларга, банкларга, бюджет бўйича бошқа кредиторларга, хусусий ишчиларга ва б.) мулкий даъволар нуктаи назаридан мулкдорларнинг мулкий ҳуқуқи олдида афзалроқ кўрилади, шунинг учун корхонанинг ўз капитали унинг мулки ва мажбуриятлари ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади: $\text{Ўз капитал} = \text{Активлар} - \text{Мажбуриятлар}$. Ўз капитали “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” номли Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 1-сон миллий стандартига мувофиқ корхона активларининг мажбуриятлар чиқариб ташланганидан сўнг қоладиган қисмидир.

Банк кредитлари аудитининг меъёрий –ҳуқуқий асослари қуйидаги ҳужжатлар саналади:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари», Адлия Вазирлигидан 2003 йил 24 январда 1209-сон билан рўйхатдан ўтган.

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси 1996 йил 29 август 257-1-сон (ўзгаришлар билан).

3. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси 2007 декабрда 391-6-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни Билан тасдиқланган (ўзгаришлар билан).

4. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 2016 йил 13 апрел.

5. «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 2000 йил 26 май.

6. “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома” номли 21-сон БҲМС.

7. “Қарзлар бўйича харажатлар ҳисоби” номли 24-сонли БҲМС.

8. Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари.

Банк кредитлари аудиторлик текширувидан ўтказишдаги маълумот манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1.Хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан тегишли тартибда тасдиқланган ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруқ.

2.Хўжалик юритувчи субъектнинг тижорат банклари билан тузган кредит шартномалари.

3. Дастлабки ҳужжатлар (банк кўчирмалари, 6800, 7800-счётлар бўйича аналитик ва синтетик ҳисоб регистрлари ва бошқалар).

4.Бош китоб маълумотлари.

5.Молиявий ҳисобот шакллари:

- Бухгалтерия баланси (1-шакл).

6.Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-шакл).

Банк кредитлари юзасидан аудит текширувининг бош мақсади – корхона операцион йил давомида банк кредитлари бўйича ҳисоблашишлар БҲМСга асосан, ўз вақтида, тўғри ва тўлиқ тартибда молиявий ҳисоботларда акс эттирилганлигига ишонч ҳосил қилишдан иборат. Ушбу жараёнда аудитор томонидан аудит текширувидан ўтаётган корхонада банк кредитларининг қонуний асосда вужудга келганлиги, қопланиш имкониятининг мавжудлиги (ҳақиқий қийматда акс эттирилганлиги), корхона эгалигидаги кредит маблағлари тижорат банклари билан келишилган мақсадларга, қонунни четламаган ҳолда сарфланаётганлиги, шунингдек,

кредит суммаси ва кредит бўйича ҳисобланган фоизларнинг ўз вақтида қайтарилиш имконияти ўрганилади ва баҳоланади.

Аудитор томонидан кредит операцияларини аудит текширувидан ўтказиш жараёнида алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган масала – корхона ва тижорат банки ўртасида амалга оширилган операциялар ҳисобланади. Чунки, бу тур операциялар баъзан қарз берувчи (корхона)нинг эмас, балки қарз олувчи (раҳбарият)нинг манфаатини кўзлаб, корхона учун фойдасиз шартлар асосида амалга оширилган бўлиши ва бу қарзларнинг қайтарилиши раҳбарият “ихтиёрига ҳавола” этилган бўлиши мумкин. Бу эса корхона молиявий ҳисоботларида фирибгарликка йўл қўйилиш эҳтимолини оширади.

Банк кредитлари аудитини ўтказиш жараёнида аудитор вазифалари қаторига баланс ҳисоботида акс эттирилган банк кредитлари ва улар бўйича фоизлар суммаси тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилиш билан бир қаторда, баланс ҳисоботининг шу элементлар ишончли бўлиши ва молиявий ҳисоботда тўғри акс эттирилишини таъминлаш лозим бўлган ички назорат тизимининг сифатини текшириш ва баҳолаш ҳам кирди. Чунки, банк кредитлари юзасидан оқилона ички назоратнинг ташкил этилиши ҳисоб-китоб ва шартномавий интизомнинг мустаҳкамланишига, банк кредитлари бўйича ҳисоб китобларнинг ўз вақтида амалга оширилишига хизмат қилиш орқали, активларнинг юқори айланувчанлигини таъминлашга ва шу орқали корхона молиявий ҳолатини яхшилашга имконият яратади.

Банк кредитлари юзасидан аудит текширувини ўтказиш жараёни умумий кўринишда қуйидаги босқичлардан иборат:

- банк кредитлари бўйича ҳисоб-китобларга нисбатан самарали ички назорат тизимининг ташкил этилганлигини текшириш ва унинг сифатини баҳолаш;

- бухгалтерия тизими маълумотлари ва молиявий ҳисоботларда акс эттирилган банк кредитлари ҳақиқатдан ҳам мавжуд ва улар бўйича ҳисоб-китоблар ҳақиқатдан ҳам рўй берганлигига ишонч ҳосил қилиш;

- банк кредитларининг барчаси тўлиқ ҳисобга олинганлигини текшириш;

- банк кредитлари ҳамда улар бўйича ҳисоб – китоб операциялари юзасидан арифметик амаллар тўғри бажарилганлигини ўрганиш;

- баланс ҳисоботида банк кредитлари ҳақиқий қийматида акс эттирилганлигини баҳолаш;

- баланс ҳисоботида банк кредитлари тўғри гуруҳлаштирилганлигига ва агар зарурат бўлса, улар бўйича зарурий қўшимча маълумотлар иловаларда тўлиқ ва тўғри келтирилганлигига ишонч ҳосил қилиш.

Банк кредитларининг амалда мавжудлиги юзасидан аудит текшируви корхонанинг банк кредитлари бўйича ҳужжатлаштириш тизими ва ҳужжатларга нисбатан ички назорат тизимини ўрганишни ҳам ўз ичига олади.

Банк кредитларининг тўлиқ ҳисобга олинганлигини текшириш операцион йил якунида ва кейинги операцион йил бошида содир этилган операцияларнинг жорий ва кейинги операцион йил молиявий ҳисоботларида тўғри келтирилганлигини текширишни ва шунинг асосида жорий йилда содир этилган операциялар шу йил ҳисоботларида кўрсатилганлигини текширишни назарда тутди.

Банк кредитлари ҳақиқий қийматида акс эттирилганлигини аудит текширувидан ўтказганда аудитор аввало бу қарзларнинг қопланиш имкониятини баҳолаши ва “шубҳали қарзлар бўйича резерв” сметиға ўтказилиши лозим бўлган суммани аниқлаши ёки бу сметиға ўтган сумма қанчалик асосли эканлигини текшириши лозим.

Баланс ҳисоботларида келтирилган банк кредитлари молиявий натижаларда келтирилган даромад ва харажат элементлари билан ҳам боғлиқ бўлганлиги сабабли, банк кредитлари бўйича ҳисоб – китобларни текшириш жараёнида аудитор молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни ҳам текшириб боради. Шу сабаб, банк кредитлари юзасидан аудит текширувининг асосий манбалари бухгалтерия баланси ва молиявий

натижалар тўғрисидаги ҳисоботлар ва шу ҳисобот маълумотларининг тўғрилигини тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар ҳисобланади.

Банк кредитлари аудитининг вазифалари қуйидагилардир:

- бухгалтерия ҳисобининг бирламчи ҳужжатларида банк кредитлари бўйича хўжалик муомалаларини тўғри акс эттириш;
- банк кредитлари бўйича мажбуриятларнинг юзага келиши ва тугатилиши вақтини бухгалтерия ҳужжатларида аниқ санада қайд этиб бориш;
- бухгалтерия балансида банк кредитлари тўғрисидаги маълумотларни аниқ кўрсатиш;
- молиявий ҳисоботнинг тушунтириш хатида банк кредитларининг юзага келиши ва тугатилиши ҳолатлари, асосий кредиторлар тўғрисида маълумотларни бериб ўтиш.

Банк кредитлари бўйича ҳисоблашишлар аудитининг асосий ахборот манбалари қаторига бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, кредит шартномаси, журнал ордерлар, фоиз тўловлари бўйича ҳужжатлар ва бошқалар киради.

I боб бўйича хулоса

Диссертациянинг 1-бобида банк кредитлари аудитининг назарий асослари баён қилинган. Хусусан мазкур бобда хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти узлуксизлигини таъминлашда банк кредитларидан фойдаланишнинг аҳамияти ва зарурлиги ҳамда банк кредитлари аудитининг мақсади ва вазифалари баён қилинган.

Банк кредитлари аудитини ўтказиш жараёнида аудитор вазифалари қаторига баланс ҳисоботида акс эттирилган банк кредитлари ва улар бўйича фоизлар суммаси тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилиш билан бир қаторда, бухгалтерия ҳисобининг бирламчи ҳужжатларида банк кредитлари бўйича хўжалик муомалаларини тўғри акс эттириш, банк кредитлари бўйича мажбуриятларнинг юзага келиши ва тугатилиши вақтини бухгалтерия

хужжатларида аниқ санада қайд этиб бориш, бухгалтерия балансида банк кредитлари тўғрисидаги маълумотларни аниқ кўрсатиш, молиявий ҳисоботнинг тушунтириш хатида банк кредитларининг юзага келиши ва тугатилиши ҳолатлари, асосий кредиторлар тўғрисида маълумотларни бериб ўтиш ҳам киради.

Хорижий банклар тажрибаси шуни кўрсатдики, таъминот сифатидаги моддий-товар бойликлар ссудаларни ўз вақтида қайтарилишига ишонч ҳосил қилиш ҳуқуқини бермайди. Бундай ишончга эга бўлиш учун қарз олувчининг секин айланадиган, доим тез сотилмайдиган моддий захиралари ва жами мулкни ҳамда тез сотиладиган активлар таркибини чуқур ўрганиш талаб этилади. Хориж иқтисодчиларнинг фикрича моддий захиралар билан таъминланган кредитлар - энг ишончсиз кредитлар деб ҳисобланиши ҳам бежиз эмас, лекин шу вақтнинг ўзида моддий-товар бойликлар (захирада бўлмаган, ҳаракатда бўлган) билан таъминланган кредитлар энг ишончли бўлиб ҳисобланади.

Таъминланганлик банкнинг кредитлаш тизимида унинг фундаментал элементи бўлиб қолади, бирон бир лойиҳани молиялаштиришда уни энг охирги мудрофаа чизиғи деб ҳисоблаш мумкин.

Банкларнинг кредитлаш функцияси бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ўзига хос роль ўйнамоқда Банкларнинг кредит бера олиш қобиляти нафақат аҳоли қўлидаги бўш маблағлар йиғилишига ҳамда корхона ва ташкилотларнинг ўз пул маблағларини кўпайтира олиш қобилятига боғлиқ, балки бугунги кунда аҳолининг банкка бўлган ишончига, ҳамда бошқа омилларга боғлиқ бўлиб бормоқда.


Банк кредитларидан самарали фойдаланиш орқали корхонанинг айланма активлар билан таъминлаш даражаси яхшиланади. Банк кредитлари аудитининг сифатли ўтказилиши орқали кредитларнинг тўғри мақсадда ишлатилаётганлиги ва фоизларнинг тўғри ҳисобланиб, ўз вақтида тўланаётганлиги тўғрисида ишончли ахборот олиш имконияти туғилади.

II БОБ. МИЛЛИЙ СТАНДАРТЛАР АСОСИДА БАНК КРЕДИТЛАРИ АУДИТИНИ ТЕКШИРУВИДАН ЎТКАЗИШНИНГ ҲОЗИРГИ АМАЛИЁТИ

2.1. Банк кредитлари аудитини режалаштириш


Аудитнинг мақсадлари хусусан қуйидагилардан иборат: бухгалтерия ҳисобининг ҳолатини экспертиза йўли билан баҳолаш, йиллик молиявий ҳисобот маълумотларининг ҳаққонийлигини текшириш ва тасдиқлаш валюта муомалаларини тафтиш қилиш, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар эмиссияси проспектининг маълумотларини тасдиқлаш, корхонанинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш, иқтисодиёт ва молиявий ҳуқуқ соҳасидаги янги қонунчилик ҳужжатлари бўйича аниқ маслаҳат (консультация) ўтказиш ва хоказо.

Аудитни режалаштириш чоғида аудиторлик ташкилоти томонидан қўлланиладиган меъёрлар №3 *«Аудитни режалаштириш»* номли аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти (АФМС) билан белгиланади. Юқорида таъкидланганидек, аудит режасини пухта тузмасдан сифатли аудиторлик текшируви ўтказиш мумкин эмас. Шу боисдан ушбу стандартга батафсилроқ тўхталиб ўтамиз. Амалда, аудитни режалаштириш жараёни аудиторлик ташкилоти билан хўжалик юритувчи субъект ўртасида шартнома тузилгунга қадар бошланади. Бу ҳолат кўп ҳолларда, агар мижоз билан шартнома тузилмаса, аудитни режалаштириш билан боғлиқ харажатлар қайси манбалар ҳисобидан маблағ билан таъминланиши тўғрисидаги саволни юзага келтиради. Кейинчалик шартнома тузилган ҳолда аудитни дастлабки режалаштиришга доир ишлар қиймати ўтказиладиган аудиторлик хизматининг умумий қийматига қўшилади, акс ҳолда у аудиторлик ташкилотининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши лозим. Режалаштириш аудиторлик текширувини бошлангич босқичи бўлиб, аудиторлар режа тузулгунга қадар бевосита текширув жараёнини бошламасликлари лозим. Стандартга мувофиқ аудитни режалаштириш қуйидаги босқичларга бўлинади:



2.1-расм. Банк кредитлари аудитини режалаштиришнинг асосий тамойиллари⁹.

Йирик хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоботларини тасдиқлаш учун катта аудиторлик гуруҳи томонидан текширув ўтказилганида бундай кўп босқичли режалаштириш зарур. Бироқ, бизнинг фикримизча, унчалик катта бўлмаган хўжалик муомалалари кам содир бўладиган, бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш (иш, хизмат бажариш) билан шугулланувчи микрофирмаларда аудит ўтказганида, бундай кенг қамровли режа тузиш мақсадга мувофиқ эмас.



2.2-расм. Банк кредитлари аудитини режалаштиришнинг асосий тамойиллари¹⁰.

Агар аудиторлик ташкилотининг кўпчилик мижозлари кичик ва ўрта бизнес корхоналарига таалукли бўлса, у ҳолда унчалик катта бўлмаган

⁹ “Аудитни режалаштириш” номли 3-сон АФМС асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁰ “Аудитни режалаштириш” номли 3-сон АФМС асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

тузатишлар киритилганида кўпчилик корхоналарни текшириш учун мос келадиган намунавий аудит режаси ишлаб чиқиш ва режалаштириш чоғида аудит дастурини батафсил тузишга махсус эътибор қаратиш зарур. Бундай намунавий режалар бир нечта бўлиб, улар бир-бирларидан турли бизнесга эга корхоналар учун фарқ қилишлари мумкин. Масалан, савдо корхоналари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари ва хоказо. Шунингдек аудитор қандайдир бошқа тамойиллар бўйича умумий намунавий режалар ҳам тузиши мумкин. Агар умумий аудит режаси сифатида намунавий режа танланса, у ҳолда режалаштириш чоғида асосий эътиборни аудит дастурини тузишга қаратиш зарур. Режалаштириш аудиторлик гуруҳи раҳбари томонидан аудит ўтказишнинг умумий тамойиллари каби, хусусий тамойилларига ҳам мувофиқ амалга оширилиши лозим. Улар қуйидагилардир:

Уйғунлик тамойили аудитнинг дастлабки режасини тузишдан тортиб, то умумий режаси ва дастурини тузгунга қадар бўлган барча босқичларнинг ўзаро боғлиқлиги ва мувофиқлигини таъминлашни назарда тутди.

Режалаштиришнинг узлуксизлик тамойили текширувда иштирок этадиган аудиторларга келишилган топшириқлар белгиланиши ва режалаштириш босқичларининг муддатлар ҳамда таркибий бўлинмалар бўйича боғлиқлигида ифодаланади.

Аудитни режалаштиришнинг мақбуллик тамойили шундан иборатки, режалаштириш чоғида аудиторлик ташкилоти ўзи белгилаган мезонлар асосида аудитнинг умумий режаси ва дастуридан мақбулини танлаш имкониятига эга бўлиши зарур.

Аудиторлик текшируви узоқ вақт давом этганида, аудитор мижознинг молия - хўжалик фаолиятидаги ва қонунчиликда-ги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда режа ва дастурга зарур тузатишлар киритиши мумкин.

Аудитнинг умумий режаси: мижоз фаолияти билан танишиш, дастлабки режалаштириш, текшириладиган хўжалик юритувчи субъектнинг ички назорат тизимини баҳолаш, танлаш ҳажми ва муҳимлик даражасини

аниқлаш, аудит дастурини тайёрлаш, аудитни бевосита ўтказиш жараёни (дастурни бажариш), бажарилган ишлар натижаларини таҳлил қилиш, барча оралиқ ва умумий ҳужжатларни тайёрлаш, текширув натижаларини миқдорга тақдим этиш ва ҳоказоларни ўз ичига олган ҳолда аудит ўтказишнинг барча босқичларини ақс эттириши лозим.

Аудитнинг умумий режаси тузилганидан сўнг аудит дастури тузилиб, унда барча аудиторлик амалларининг батафсил рўйхати баён қилиниши зарур. Дастур аудиторлар учун батафсил йўриқнома бўлиб, унда текширилиши лозим бўлган бухгалтерлик ҳисобининг барча бўлимла-рини текшириш, шунингдек ички назорат тизимини таҳлил қилиш бўйича уларнинг барча ҳатти-ҳаракатлари ақс эттирилган бўлиши лозим. Аудит дастурини тузиш юзаки бажарилмаслиги лозим, чунки у аудиторлар ишидаги таъсирчан назорат дастаги бўлиб хизмат қилади, дастурнинг ҳар бир бўли-ми бўйича аудитор хулосалари эса аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосасини тузиш учун асос бўлиб хизмат қилиши лозим.

Аудитор ўз ишини шундай режалаштириши лозимки, бухгалтерлик (молиявий) ҳисоботларини, молия-хўжалик муомалаларининг ишончлилигини ва қонунийлигини, ҳамда улар бухгалтерия ҳисоби счётларида ақс эттирилишининг тўғрилигини ўз вақтида ва сифатли аудиторлик текширувидан ўтказилади.

Аудитни режалаштириш қуйидагиларни таъминлаши лозим:

- а) бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботининг ҳолати ҳамда ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида зарур ахбо-ротларни олиш;
- б) бажарилиши лозим бўлган назорат амалларининг мазмунини, ўтказиш вақтини ва ҳажмини аниқлаш;

Аудитни режалаштириш кутилаётган ишлар режасини тузиш ва аудиторлик дастурини ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

Кутилаётган ишлар режасида қуйидаги кўрсаткичлар ақс эттирилади:

- аудит ўтказиш муддати ва ишларнинг давомийлиги;
- бажариладиган ишлар ҳажми;

- аудитор қўллайдиган усуллар ва амаллар.

Аудитор ўз режасини текшириладиган корхона раҳбарияти ва ходимлари билан муҳокама қилиши мумкин. Бу ўтказиладиган аудитнинг таъсирчанлигини ошириш ва аудиторлик амалларини корхона ходимлари фаолияти билан мувофиқлаштиришга имкон яратади.

Аудитор режани яхши ва сифатли тузиш ҳамда ишларнинг кутилаётган ҳажмини аниқ ҳисобга олиш учун энг аввало:

- аудиторлик текшируви ўтказиш шартномаси шартларини ўрганиши;
- ўтказиладиган аудитнинг энг муҳим масалаларини ажратиб олиши;
- махсус эътибор талаб қиладиган шартларни аниқлаши;
- текшириладиган корхона фаолиятининг предметини ҳисобга олган ҳолда янги қонунлар, низомлар, йўриқнома-лар ва бошқа алоқадор меъёрий ҳужжатларнинг аудитга таъсирини ўрганиши;
- текшириладиган корхонанинг ҳисоб тизими ва ички аудит тизимининг ишончлилиқ даражасини аниқлаши;
- ички аудиторларнинг ишларини ва уларни аудитга жалб қилиш мумкинлигини таҳлил қилиши;
- корхонанинг алоҳида балансга ажралиб чиқарилган филиаллари, ваколатхоналари, бўлимлари ва махсус бўлинмала-рида аудит ўтказиш мақсадга мувофиқлигини ўрганиши;
- экспертларни жалб қилиш зарурлигини аниқланиши лозим.

Аудиторлик текшируви чоғида аудит режасига тузатишлар киритилиши мумкин.

Аудиторлар текширув вақтида улар томонидан бажариладиган ишларнинг ҳажми ва сифатини тасдиқлайдиган, асосий ҳужжатлардан бўлиб ҳисобланган, иш ҳужжатларини тузишлари лозим.

Мазкур диссертация ишида аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти асосида банк кредитлари аудитининг дастури ишлаб чиқилди.

Банк кредитлари аудити дастури¹¹

Текширилаётган ташкилот
Аудит даври
Киши-соатлар сони
Аудиторлик гуруҳи раҳбари
Аудиторлик гуруҳи таркиби
Режалаштирилаётган аудиторлик rischi
Режалаштирилаётган муҳимлик даражаси

«Малика» МЧЖ
14.03.17 дан 25.03.17 гача
40
Акбаров С.И.
Пўлатов Ғ.Р., Мавлонов В.Т., Салимов Д.Г.
0.0166
54100 сўм

Аудиторлик тадбирлари рўйхати	Ўтказиш даври	Бажарувчи	Аудиторнинг иш ҳужжатлари	Изоҳлар
Ҳужжатларни олиш	14.03.2017	Акбаров С.И.		
А. Назорат воситалари тестлари				
1. Ички назорат тизими бўйича тест ўтказиш (ИНТ)	14.03.2017	Пўлатов Ғ.Р.	Саволнома	
2. Бухгалтерия ҳисоби тизими бўйича тест ўтказиш (БХТ)	14.03.2017	Пўлатов Ғ.Р.	Саволнома	
3. Бухгалтерия ҳисоби мақсади учун тузилган ҳисоб сиёсатининг таҳлили	14.03.2017	Мавлонов В.Т.	Саволнома	
4. Солиқ ҳисоби мақсади учун тузилган ҳисоб сиёсатининг таҳлили	14.03.2017	Мавлонов В.Т.	Саволнома	
5. Бухгалтерия баланси ва бухгалтерия ҳисоб регистрларидаги кўрсаткичларнинг бир хиллигини текшириш	14.03.2017	Салимов Д.Г.	Саволнома	
6. Аудиторлик танлаш ҳисоб-китоби	15.03.2017	Акбаров С.И.	Ҳисоб-китоблар	
Б. Моҳияти бўйича амаллар				
Кредитларнинг ҳақиқийлиги ва ҳужжатлаштирилганлиги	16.03.2017	Пўлатов Ғ.Р.	Корхона ҳисоб сиёсати	
Кредит муомалаларининг тўғрилиги	17.03.2017	Пўлатов Ғ.Р.		
Банк кредитларини қайтариш ва қабул қилиш операцияларини бухгалтерия ҳисоботларида тўғри акс эттирилганлигини текшириш	18.03.2017	Мавлонов В.Т.		
Кредитларнинг мақсадли ишлатилиши ва ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилиши;	19.03.2017	Салимов Д.Г.	Кредит шартномалари, кредит фоиз ставкаларини ўзгариши ва кредитни қайтариш муддати ҳақидаги кредит шартномаларига қўшимча шартномалар	
Тўланмай қолган кредитлар ва уларнинг фоиз тўловлар қолдиқларини баҳолаш;	20.03.2017	Пўлатов Ғ.Р.		
Фоиз ставкалари суммаларининг тўғри аниқланганлиги;	21.03.2017	Мавлонов В.Т.		
Кредит тўловларининг ўз вақтида қайтарилиши	22.03.2017	Салимов Д.Г.		
Тижорат банкларидан олинган кредитлар борми?	22.03.2017	Мавлонов В.Т.	Маҳсулот (иш, хизмат)ни етказиш бўйича шартнома Икки тарафлама келишилган таққослаш далолатномалари ва протоколлар	
Бухгалтерия ҳисоботида аналитик ва синтетик ҳисоб маълумотлари акс эттирилганми? 6800, 7800	23.03.2017	Пўлатов Ғ.Р.	Бош китоб, баланс (1-шакл)	
Бош журналдаги маълумотлар дастлабки ҳужжатларга тўғри келадими?	23.03.2017	Салимов Д.Г.	Бош китоб, баланс (1-шакл)	
Муддатидан аввал тўланган кредит суммалари борми?	24.03.2017	Мавлонов В.Т.	молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-шакл), тушунтириш хати, бошқа ҳужжатлар	
С. Бўлим бўйича якуний маълумотлар				
1. Хато ва камчиликларнинг тахминий рўйхати	24.03.2017	Пўлатов Ғ.Р.	Маълумотнома, ҳисоб-китоблар	
2. Тизимли (системали) камчиликлар тўғрисида маълумот	24.03.2017	Пўлатов Ғ.Р.	Маълумотнома, ҳисоб-китоблар	
3. Меъёрий ҳужжатлар бўйича аниқланган камчиликлар рўйхати	25.03.2017	Акбаров С.И.	Маълумотнома, ҳисоб-китоблар	


Унинг номидан аудиторлик ҳулосаларига имзо чекиш
ҳуқуқига эга бўлган аудиторлик ташкилоти раҳбари
Аудиторлик гуруҳи раҳбари

Комилов Т.Д.
Акбаров С.И.

¹¹ “Аудитни режалаштириш” номли 3-сон АФМС асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Аудитор иш ҳужжатлари ихтиёрий шаклда тузилиб, уларда мижоз тўғрисидаги зарур маълумотлар; бажариладиган ишларнинг батафсил баёни бўлиши лозим. Хусусан қуйидагилар кўрсатилади: текширув ўтказиш услуги (ёппасига ёки танлаб), ёки текшириладиган ҳужжатларнинг ҳажми; текширув натижасида аниқланган камчиликлар; текширувга тақдим этилмаган дастлабки ва бошқа ҳужжатлар рўйхати; амалдаги қонунчиликка мос келмасликлар; аниқланган камчиликларни бартараф қилиш усуллари тўғрисида аудиторнинг фикрлари; мижозининг молия-хўжалик фаолиятини яхшилашга қаратилган бошқа тавсиялар.

Шунингдек, иш ҳужжатларида: мижоз-корхонанинг ички хўжалик назорат тизимини (ушбу тизимнинг ижобий томонлари ва салбий жиҳатларини ажратиб кўрсатган ҳолда); ўтган йилдаги аудит дастури ва унинг натижаларини акс эттириш зарур.



2.3-расм. Банк кредитлари аудитида иш ҳужжатларида акс эттириладиган кўрсаткичлар¹².

Иш ҳужжатлари аудитнинг яхши режалаштирилганлигини, тўпланган

¹² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

маълумотлар ишонарлилигини, аудиторлик хулосасининг амалга оширилган аудит натижаларига мувофиқ-лигини тасдиқлаши лозим. Зарур ҳолларда аудитор ҳақиқатан ҳам айнан шундай аудиторлик хулосаси тузиш учун етарли гувоҳликлар тўпланганлигини ҳам баҳолаши зарур.

Иш ҳужжатларидаги тафсилотларнинг тасдиқланган молиявий ҳисоботдаги маълумотлардан фарқ қилмаслиги ўта муҳимдир. Аудиторлик хулосалари яққол ва икки хил маъно билдирмайдиган бўлиши лозим.

Иш ҳужжатларида акс эттирилган ёзувларга асосан аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси тузилади. Аудиторнинг иш ҳужжатлари махфий ҳисоб-ланади. Аудит яқунланганидан сўнг иш ҳужжатларини ҳимоялаш бўйича барча зарурий чоралар кўрилиши керак. Иш ҳуж-жатлари бегона шахсларга, агар бошқа ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилмаган бўлса, фақат мижоз-корхонанинг розилиги билан берилиши мумкин.

Аудиторлик ташкилотларининг иш фаолиятини умумий режалаштириш икки босқичга бўлинади. Биринчи босқичда текшириладиган корхона ўрганилиб, баён қилинади ва ўтқа-зиладиган текширувнинг асосий ўлчамлари аниқланади, иккинчи босқичда эса текширув стратегияси ишлаб чиқилади ва барча олдинда турган ишларнинг батафсил баёни тузилади.

Аудитнинг умумий режасини тайёрлаш ва тузиш жараёнида аудитор корхонадан олинadиган маълумотларни текширмайди, лекин унинг режа тузишга оид ишлари ҳужжат-лаштирилиши лозим. Шунинг учун режалаштиришнинг биринчи босқичида аудитор текширадиган корхона бўйича қуйидаги маълумотларни тайёрлаши лозим: корхона фаолиятининг баёни; бухгалтерия ҳисобининг шакли ва ташкилий тузилишининг баёни, бошқарув тизимининг баёни, текширилаётган корхона молиявий ҳисобининг қисқача таҳлили.

Бунда аудитор корхона тўғрисидаги бирламчи маълумотларни тўплайди. Айни пайтда корхона фаолиятини белгиладиган муҳим маълумотлар ва ҳужжатлар нусхаларидан иборат доимий ҳужжатлар

тўпламини шакллантиради. Ушбу тўплам ҳозирча мазкур корхона аудиторлик ташкилотининг миждози бўлиб қолар экан, келгусидаги барча текширувларда ундан фойдаланилаверади. Ҳар бир аудиторлик текшируви учун корхонанинг иш фаолиятини ёки ҳисоб тизимини, агар улар сезиларли даражада ўзгармаган бўлса, қайтадан ўрганиб чиқишга эҳтиёж қолмайди. Шунинг учун аудитор ҳар доим кейинчалик аудит ўтказганида ҳам ушбу доимий тўпламдан фойдаланиб, зарурат бўлганда уни янгилаб боради.

Бугунги куннинг муоммолари шундаки, янгидан ташкил қилинган хўжаликларнинг фаолиятини назорат қилишни қайси усулда ташкил қилишдир. Бозор иқтисодиёти шароитида хўжаликлар фаолиятини назорат қилишнинг шакл ва мазмуни ўзгаради. Ҳамда янгича маъно касб этади. Бозор шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг иш юритиш маълум тажриба ва маъсулиятни талаб қилади. Ҳисоб-китобларнинг яхши қўйилмаганлиги, баъзан нотўғрилиги, иқтисодий билимларнинг етишмаслиги натижасида корхона ёки ташкилотда ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда тўхташига олиб келмаслиги ва инқирозга юз тутмаслиги учун раҳбар ўз хўжалиги аҳволидан хабардор бўлиши лозим. Бундан ташқари бир йилда бир марта хўжалик ўз молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни аудитор ёки аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланаган ҳолда эълон қилиши зарур. Ушбу ҳисоботнинг фойдаланувчилари бўлиб инвесторлар, ҳамкор корхона ва хўжаликлар, акциядор ҳиссадорлар, корхонага доимий хом-ашё ва материаллар етказиб берувчилар меҳнат жамоаси, харидорлар, кредит беришини мўлжаллаган, кредит берган муассасалари ва статистика давлат органлари, илмий, молия муассасалари, рақобатчилар ва бошқа ташкилотлар бўлиши мумкин.

2.2. Банк кредитлари бўйича ҳисоб-китобларни текширишда аудит амалларини қўллаш

Банк кредитлари бўйича муомалаларнинг ҳужжатлар билан қандай расмийлаштирилаётганлиги, ҳамда бундай фактларни ҳисоб регистрларида

акс эттиришнинг кетма-кетлиги устидан назорат ўрнатиш ниҳоятда долзарбдир. Бу ички назоратнинг аҳволи каби, бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибига риоя қилинишини ҳам баҳолашга имкон беради

- *Тасдиқлаш;*

Тасдиқлаш аудиторлик далили сифатида банк кредитлари билан ҳисоблашишлар счетлардаги қолдиқларнинг ҳаққонийлиги тўғрисидаги маълумотларни олиш учун қўлланилади.

Аудиторлик ташкилоти банк кредитлари билан ҳисоблашишлар счётларининг қолдиқлари тўғрисидаги маълумотларнинг ҳаққонийлигини тасдиқловчи аудиторлик далиллари мустақил (учинчи) томонлардан ёзма равишда олиши лозим. Банк кредитлари билан ҳисоблашишлар счетларидаги қолдиқлар банк кўчирмалари ва таққослаш далолатномалари билан тасдиқланади.

Зарур ҳолларда аудиторлик ташкилоти тасдиқлатиш учун сўров жўнатилган банк билан бевосита алоқа ўрнатиши ҳам мумкин.

Агар аудиторлик ташкилоти салбий жавоб олса ёки умуман жавоб олмаса, у ҳолда мижоз корхона маълумотларининг ҳаққонийлигини аниқлаштириш учун қўшимча аудиторлик амалларини қўллаши зарур.

- *Хўжалик юритувчи субъект ва мустақил (учинчи) томонлар ходимларини оғзаки сўровдан ўтказиш;*

Ходимлардан оғзаки сўров ўтказиш – бу мижоз корхона ходимлари ёки учинчи шахслардан оғзаки мулоқат ва жавобларни баҳолаш йўли билан тасдиқловчи маълумотларни олиш усулидир. Мазкур усул аудиторга ички назорат тизимини баҳолаш, риск чегараларини аниқлаш ва аудиторлик текширувининг стратегиясини ишлаб чиқиш чоғида фикр юритиш учун кенг қўламдаги маълумотларни беради. Мижоз корхона ва тижорат банки раҳбарияти орасида сўров ўтказиш аудиторлик текширувининг барча босқичларида амалга оширилиши мумкин.

Аудитни режалаштириш босқичида, хусусан мижоз корхонанинг ҳолати ва бизнесининг келажаги ҳамда ички назоратнинг ташкил этилиши

тўғрисида тасаввурга эга бўлиш зарур. Ушбу мақсадда корхона раҳбарияти орасида сўров ўтказилиши мумкин. Олинган жавобларни таҳлил қилиш асосида текширув жараёнда кейинчалик бажарилган аудиторлик амалларининг натижасида тасдиқланадиган ёки тасдиқланмайдиган муайян жихатлар бўйича аудиторда аниқ фикр шаклланади.

Битта манбадан олинган, ушбу маълумотнинг оғзаки тавсифдалигини эътиборга олган ҳолда, аудитор қилинган хулосага таяниши мумкин эмас, яъни қўшимча далиллар тўплаши зарур. Аудиторлик текшируви жараёнида бевосита ижрочилар (менежерлар, моддий жавобгар шахслар, бухгалтерлар ва б.) билан суҳбатлашиб, мансаб йўриқномаларининг аниқ ижрочиларига етказилганлигини аниқлаши ва шу билан бирга ички назоратнинг ишончлилиги ёки юзакилиги тўғрисида қўшимча далиллар олиши мумкин.

- *Ҳужжатларни текшириш;*

Ҳужжатларни текширишда аудитор кўриб чиқаётган маълум ҳужжатнинг ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қилиши лозим. Ушбу мақсадда бухгалтерия ҳисобида маълум ёзувларни танлаб олиш ва ҳўжалик фаолиятида содир бўлган фактнинг ҳисобда акс эттирилиши кузатиб чиқилади.

Ҳужжат билан ишлашда унинг ким томонидан тузилганлиги муҳим аҳамиятга эга. Мижоз корхона томонидан тайёрланган ва ишлов берилган ҳужжатлар ички ҳужжатлар ҳисобланади. Аудиторлик ташкилотига қай даражада ишониш бундай ҳужжатларни тузиш ва ишлов бериш устидан ўрнатилган мижоз-корхона ички назорат воситаларининг ишончлилигига боғлиқ. Тижорат банки томонидан тайёрланган ва ҳўжалик юритувчи субъектларга юборилган ташқи ҳужжатлар ички ҳужжатларга қараганда ишончлироқ ҳисобланади.

Ҳужжатларни текшириш чоғида уларнинг ўз вақтида ва аниқ расмийлаштирилганлиги, мажбурий реквизитларнинг мавжудлиги ва тўғрилигини аниқлаш ҳам зарур. Аудиторлар ҳужжатларни текширувдан ўтказишда уларнинг бухгалтерия ҳисоби регистрларига ўз вақтида, аниқ ва

тўлиқ акс эттирилишига ҳам эътибор беришлари керак.

- *Кузатиб чиқиш;*

Кузатиб чиқиш – бу банк кредитлари билан ҳисоблашишлар бўйича синтетик ва аналитик ҳисоб регистрларида дастлабки ҳужжатлар маълумотларининг акс эттирилишини, айрим дастлабки ҳужжатларни текширадиган, якуний счётлар корреспонденциясини топадиган ва ҳўжалик фаолиятининг тегишли фактлари бухгалтерия ҳисобида тўғри ёки нотўғри акс эттирилганлигини текшириш жараёнидир.

Кузатиб чиқиш банк кредитлари билан ҳисоблашишлар бўйича дастлабки ҳужжатлардан синтетик ва аналитик ҳисоб регистрларига, бош дафтарга ва ҳисоботларга томон, ёки кўп ҳолларда учрайдиган, тескари томон йўналишида амалга оширилади. Кузатиб чиқиш, хусусан, мижоз-корхона ҳужжатларида акс эттирилган нотипик моддалар ва ҳодисаларни ўрганишга имкон беради.

- *Таҳлилий амаллар;*

Таҳлилий амаллар деганда аудитор томонидан олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва баҳолаш, ғайриоддий ва бухгалтерия ҳисобида нотўғри акс эттирилган ҳўжалик фаолияти фактларини аниқлаш, ҳамда бундай хатолар ва чалкашликларнинг сабабларини аниқлаш мақсадида текшириладиган ҳўжалик юритувчи субъектнинг муҳим молиявий ва иқтисодий кўрсаткичларини ўрганиш тушунилади.

Таҳлилий амаллар молиявий таҳлилнинг таққослаш, нисбатлар ва коэффициентларни баҳолаш каби элементлари ва усулларида фойдаланишни назарда тутди.

Таҳлилий амалларнинг энг кўп тарқалгани таққослаш бўлиб ҳисобланади. Бунда қуйидагилар таққосланади:

- Турли даврлар учун счётлардаги қолдиқлар;
- Молиявий ҳисобот кўрсаткичлари бизнес-режа кўрсаткичлари билан;
- Ҳисоботнинг ҳар хил моддалар билан олдинги даврлар

маълумотлари ўртасидаги нисбат;

- Хўжалик юритувчи субъект молиявий кўрсаткичлари иқтисодиётнинг тегишли тармоғидаги ўртача кўрсаткичлар билан;

- Молиявий ахборотлар номолиявий ахборотлар (хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти тўғрисидаги унинг бухгалтерия ҳисоби тизимида бевосита акс эттирилмайдиган маълумотлар) билан.

Таҳлилий амаллар ҳисоб ва ҳисобот маълумотларини кўрсаткичлар орасидаги ўзаро боғлиқликларни ўрганиш, ҳисобот маълумотларини ва уларнинг ўзгариш тенденцияларини таққослаш, ҳисобот моддалари ва кўрсаткичларининг кескин фарқ қилиш сабабларини ўрганишни назарда тутати.

Аудиторлик текширувлар чоғида таҳлилий амаллар бухгалтерия ҳисоби маълумотларини ҳақиқий маълумотлар ёки аудитор томонидан ҳисоблаб чиқилган суммалари билан таққослаш орқали ҳам қўлланилиши мумкин.

Аудитнинг яқунловчи босқичида таҳлилий амалларни қўллаш ҳисоб ва ҳисоботдаги аниқланган номувофиқликларга қўшимча далиллар олиш, ҳамда ушбу номувофиқликларнинг ҳисобот ишончилигига таъсирини аниқлашга ҳам имкон беради.

Ҳақиқатга яқин таҳлилий амаллардан бири баланс ҳисоб-китоблари ҳисобланади. Хусусан, аудитор тайёр масулотларнинг ҳисобда ҳаққоний ва тўлиқ акс эттирилиши тўғрисидаги далил-исботларга эга бўлиш учун тез-тез хом-ашёлар, материаллар ва тайёр масулот олиниши балансини тузади.

- *Муқобил баланс тузиш каби усуллардир.*

Муқобил баланс тузиш – аудиторлик ишининг муҳим элементиدير. У аудитни бошлашдан олдин синтетик ва аналитик ҳисоб регистрларининг ёки бош дафтарнинг маълумотлари бўйича тузилади. Натижада, аудитор тасдиқланиши лозим бўлган балансга ўхшаш, янги балансга эга бўлади. Агар расмий ва муқобил баланслар ўртасида тафовутлар вужудга келса, бу тофовутлар мижоз-корхона ҳисоботида бош бухгалтернинг атайлаб қилган

чалкашликларини билдиради.

Баён қилинганларни умумлаштириш асосида таъкидлаш зарурки, аудиторлик текширувларининг самарадорлиги маълум даражада аудиторлик далилларни тўплашда қўлланиладиган усулларни қандай маҳорат билан қўллашга ҳам боғлиқ

Молиявий фаолият бўйича даромадлар ва харажатларни текшириб, корхонанинг бу соҳадаги фаолиятига баҳо беришда аналитик кўрсаткичлар ва коэффициентлардан фойдаланамиз.

Ушбу кўрсаткич ва коэффициентларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- Таҳлилий (аналитик) кўрсаткичлар;
- Ликвидлик;
- Молиявий барқарорлик;
- Рентабеллик.

Таҳлилий (аналитик) кўрсаткичлар ёрдамида хўжалик юритувчи субъектлар молиявий фаолиятдан олган даромадларини жадвал кўринишида таркибий жиҳатдан ўрганиб, ўтган йиллар кўрсаткичлари билан таққослаб, таркибий ўзгаришларини таҳлил қилиб, тегишли қарорлар ва чораларни кўришимиз мумкин.

Корхонанинг кредитга лаёқатлигини баҳолаш корхоналар томонидан тузиладиган ва тақдим этиладиган даврий молиявий ҳисоботлар ва бошқа хужжатлар маълумотлари асосида ўрганилади. Зарурий кўрсаткичлар бири бири билан таққосланиб, маблағлар ўртасидаги нисбат ва ўзаро боғланишлар аниқланилади, ушбу бирликларнинг яқин ва узоқ даврийликдаги ўзгаришларига, кутилишларига баҳо берилади.

Тижорат банклари ва корхоналар томонидан қўллаб келинаётган тартибларда кредитга лаёқатлилигини айрим жиҳатларигагина ўз аксини топганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу таомиллар умумий кредит қарорлари юзасидан якуний хулосага келишга тўла имкон бермайди. Шу

сабабли, корхонанинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил этишда комплекс таҳлилни амалга ошириш зарур деб ўйлаймиз.

2.3. Банк кредитлари аудитини ўтказиш ва натижаларни умумлаштириш тартиби

Банк кредитлари ва қарзлар ҳисобини аудиторлик текширувидан ўтказишдан мақсад корхонанинг олинган кредитлар ва бошқа қарз маблағларини акс эттирувчи ҳисобот кўрсаткичларининг ишончилиги тўғрисида етарли далил-исботларга эга бўлишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидагилар текширилиши керак:

- * кредитлар ва қарзларнинг ҳаққонийлиги ҳамда хужжатлаштирилганлигини;
- * кредитлар ва қарзлар олинанишининг асосланганлигини аниқлаш (қарз маблағларининг олинган манбалари);
- * қарз маблағлардан мақсадли фойдаланиш ва уларни тўлиқ ҳамда ўз вақтида қайтариш (қарз маблағлари қайси мақсадлар учун ишлатилган, кредитлар ва қарзлар бўйича қарздорлик қандай қайтарилмоқда, муддати узайтирилган қарздорлик мавжудлиги);
- * қайтарилмаган кредитлар ва қарзларнинг қолдиқлари ҳамда улар бўйича фоизлар тўланишини баҳолаш (кредитлар бўйича фоизларни ҳисобга олиш, мулкларни баҳолаш ва молиявий натижаларни шакллантиришга фоизларнинг таъсири ва ҳ.к.);
- * кредитлар ва қарзлар бўйича синтетик ҳамда аналитик ҳисобнинг юритилишини текшириш (кредитлар ва қарзларни ҳисобга оладиган счётларнинг қўлланилиши, қарз маблағларини олиш ва қайтариш муомалаларини акс эттириш, молиявий натижаларни шакллантириш тамойилларига риоя қилиниши).

Аудиторлик далил – исботларга эга бўлиш учун турли усуллар (хужжатларни текшириш, муомалаларни кўриб чиқиш, ўз маблағлари билан қарз маблағларнинг нисбатини аниқлаш мақсадида аналитик амалларни

бажариш) ва ахборот манбаларидан фойдаланилади.

Аудитор корхонанинг молиявий ҳисоботи бўйича кредит лаёқатини ҳам қисқача таҳлил қилиши зарур.

Банк кредитлари ва қарзларни аудиторлик текширувидан ўтказишда қуйидаги маълумот манбаларидан фойдаланилади:

- * банк кредитлари ва қарз олиш масалаларини, бухгалтерия ҳисобини ва солиққа тортиш муомалаларини тартибга соладиган меъёрий ҳужжатлар;

- * банк кредитлари ва қарзлар бўйича муомалаларни расмийлаштириш ва ҳисобда акс эттиришга доир шартномалар ва дастлабки ҳужжатлар. Буларга: кредит шартномалари ва қарз шартномалари, кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг ўзгариши тўғрисида кредит шартномаларига қўшимча қилинадиган битимлар, кредитни қайтариш муддатлари, кредит шартномаларининг бошқа шартлари, корхона шахсий счётиларининг кредит ва қарзлар ҳаракатига доир банк кўчирмалари, кредит шартномасига мувофиқ қайтариладиган кредит ва фоиз суммаларининг акцептсиз (розиликсиз) ҳисобдан ўчирилишини тасдиқлайдиган мемориал-ордерлар киради.

Юқорида кўрсатилган муомалаларни ҳисобда акс эттиришга доир синтетик ва аналитик ҳисоб регистрлари ҳамда бухгалтерия ҳисоботлари пухта текширувдан ўтказилади. Мазкур соҳани текшириш учун зарур ахборотлар молиявий ҳисоботнинг қуйидаги шаклларида акс эттирилади: бухгалтерия балансида (I-шакл) (баланс пассивидаги II-«Мажбуриятлар» бўлимининг «Узоқ муддатли банк кредитлари» (570 сатр), «Узоқ муддатли қарзлар» (580 сатр), «Қисқа муддатли қарзлар (740 сатр) моддалари); Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»(2-шакл)да («Фоиз кўринишидаги харажатлар» (180 сатр), «Валюта курси фарқидан даромадлар» (150 сатр), «Фоиз шаклидаги харажатлар» (180 сатр) моддалари; «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот»да (4-шакл) («Олинган ва тўланган фоизлар» (110 сатр), «Узоқ ва қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар бўйича пул тушумлари ва

тўловлари» (150 сатр);

«Инвестицион фаолиятнинг соф пул кирими ва чиқими» (100 сатрқ 060 сатр ± 070 сатр ± 080 сатр ± 090 сатр) (агар ушбу мақсадлар учун кредитлар ва қарзлар жалб қилинган бўлса).

Буларни текшириш учун аудиторга корхонада қўлланилаётган бухгалтерия ҳисоби шаклига хос қуйидаги синтетик ва аналитик ҳисоб регистрлари тақдим қилинади:

- * агар журнал-ордер шакли қўлланилса, 4 ва 12 журнал-ордерлар;
- * агар ҳисоб ишлари компьютерлаштирилган бўлса, 6810, 6840, 7810, 7820, 7830, 7840 - счётлар бўйича компьютер шакллари, аналитик ведомостлар ва Бош дафтар.

Текширувнинг ушбу соҳасига киришишдан олдин аудитор кредит ва қарз шартномалари ўртасидаги асосий фарқларни билиши лозим.

№ 21 - БХМС га мувофиқ кредит ва қарзлардан фойдаланганлик учун тўланадиган фоиз тўловлари молиявий фаолиятга доир чиқимлар таркибида ҳисобга олинishi, яъни молиявий натижаларга - 9610 «Фоиз кўринишидаги харажатлар» счётининг дебетига олиб борилиши, солиққа тортиш мақсадида эса фойда солиғи бўйича қонунчилик талабларига мувофиқ ҳисобга олинishi лозим.

Узоқ муддатли активларни сотиб олиш учун олинган кредитлар ва қарзлар бўйича фоизларни тўлашга доир харажатлар «Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом»га ва №5 -«Асосий воситалар» номли БХМСга мувофиқ объектнинг дастлабки қийматига қўшилиши, улар ҳисобга қабул қилинганидан сўнг тўланган фоизлар эса, умумий тартибда 9610- счёт дебетига ўтказилиб ҳисобдан ўчирилади.

Мазкур диссертация ишида «Shevron group» МЧЖ Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан 2015 йил 21 августда тузилган №2015-74-сонли кредит шартномага биноан 3 йил муддатли бўлган узоқ муддатли кредитнинг асосий суммаси ва фоиз тўловлари суммаси ўрганилди. «Shevron group» МЧЖ томонидан ташқи иқтисодий фаолият миллий банкидан 4 донa “Lasetti”

енгил автомобили ва 1 дона “Man” юк автомобили учун 3 йил муддатга мўлжалланган 18 %лик 517,6 миллион сўмга узоқ муддатли кредит олган. Қуйидаги жадвалда кредит суммалари ва фоизлари ҳисобланиши келтирилган:

2.2-жадвал

“Shevron group” МЧЖ томонидан кредитга олинган 4 дона “Lasetti” енгил автомобили ва 1 дона “Man” юк автомобили учун тўловлар ҳисобланиши¹³

№	Тўлов йили	Кредитнинг асосий тўлов суммаси	Кредит фоизи суммаси	Жами тўловлар
1.	1-йил	103537662,0	88188558,2	191726220,2
2.	2-йил	207075324,0	57203849,11	264279173,11
3.	3-йил	207075324,0	20126019,5	227201343,5
	Жами	517688310,0	165518426,81	683206736,81

Аудиторлик текшируви давомида «Shevron group» МЧЖ томонидан 4 дона “Lasetti” енгил автомобили ва 1 дона “Man” юк автомобили учун 3 йил муддатга мўлжалланган тўловлар тўланиши ҳолати ўрганилди. Текширувлар натижаларига кўра кредит бўйича асосий суммалар ва фоиз суммалари тўғри ҳисобланган ва ўз вақтида тўлаб борилганлиги аниқланди.

Фоизларни ҳисобга олишнинг шунга ўхшаш тартиби ишлаб чиқариш заҳиралари сотиб олиш учун олинган қарз маблағлари бўйича ҳам қўлланилади. № 4-«Товар-моддий заҳиралар» номли БХМСга мувофиқ корхоналар кредит учун тўловларга доир харажатларни, агар булар сотиб олиш билан боғлиқ бўлса, моддий ишлаб чиқариш заҳираларининг ҳақиқий таннархига қўшилади. Бу тартибга сотиб олинган товар моддий заҳираларни омборга кирим қилинишига қадар риоя қилинади, ундан сўнг эса фоизлар одатдаги тартибда ҳисобга олинади.

Кредит ва қарзларни ҳисобга олишнинг ташкил этилишини

¹³ “Shevron group” МЧЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

текширишда аудитор олинган кредитлар бўйича қолдиқлар қандай баҳоланаётганлигини ҳам аниқлаши зарур.

Банк кредитларини жалб қилиш иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг қўшимча манбаларидан ҳисобланади.

Корхоналар билан банк ўртасидаги кредит муносабатлари томонларнинг ўзаро мажбуриятлари ва маъсулиятларини белгилайдиган, кредит шартномаларига асосан тартибга солинади.

Текширув чоғида аудитор кредит шартномаларининг ҳақиқатда мавжудлигини, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва бошқа тегишли меъёрий ҳужжатларнинг талабларига жавоб беришини аниқлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексига мувофиқ кредит шартномалари кредит муносабатларини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган банклар ёки бошқа кредит ташкилотлари билан тузилади.

Аудитор шартномаларни таҳлил қилиб, уларда қуйидаги масалалар ўз аксини топганлигини аниқлайди:

- * кредит беришнинг мақсади;
- * кредит муддатлари;
- * кредитни бериш ва қайтариш тартиби ҳамда шартлари;
- * мажбуриятларни таъминлаш шартлари;
- * фоиз ставкалари, фоизларни тўлаш тартиби ва муддатлари;
- * кредитни бериш ва қайтариш бўйича томонларнинг мажбуриятлари, ҳуқуқлари ва маъсулиятлари;
- * банкка тақдим қилинадиган ҳужжатлар рўйхати ва тақдим қилиш муддатлари;
- * бошқа шартлар.

Аудитор кредитларнинг мақсадга мувофиқ сарфланишини ва ссуда қарзларини қайтариш тартибини (пул маблағлари кўринишида, вексел бериш йўли билан, ўзаро қарз суришиш орқали) аниқлаши керак. Кредитларни

қайтаришнинг тўлиқлиги ва ўз вақтидалигини аудитор банк кўчирмалари бўйича текширади.

7810-«Узоқ муддатли банк кредитлари» счёти бўйича узоқ муддатли кредитларнинг қайтарилишигача 12 ой тўлмасдан, ҳисобот тузишда қайтарилмаган қолдиқ қисқа муддатли қарз таркибида кўрсатилади.

Аудитор кредитлар бўйича муддати ўтиб кетган қарзлар мавжудлигини текширади, ўз вақтида қайтарилмаслик сабабларини ва уларни қайтариш учун қандай чоралар кўрилатганлигини аниқлайди. Бунда банк ссудалари бўйича муддати ўтиб кетган қарзлар мавжуд бўлганида кредитлар учун фоиз ставкаларининг қандай кўтарилиб борганини аниқлаши зарур. Чунки бу корхона даромадларига салбий таъсир кўрсатади. 6810-«Қисқа муддатли банк кредитлари» ёки 7810-«Узоқ муддатли банк кредитлари» счётлари бўйича 5110-«Ҳисоб-китоб счёти», 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счётлари» билан боғланган дебет ёзувларини таҳлил қилиб, аудитор олинган кредитларнинг ўз вақтида қайтарилишини текширади.

Амалиётда аудитор айрим кредитларнинг муддати, бир ёки бир неча марта ўзайтирилганлигини учратиши мумкин. Бундай ҳолларда аудитор кредитларни ўз вақтида қайтариш имконияти ҳақида ва кўрилган зарарларнинг ҳажми тўғрисида фикр билдириши лозим.

Аудитор кредитларнинг қайтарилиши таъминланганлиги масалаларига ҳам эътибор қаратиши зарур. Кафиллик, кафолат хати, қимматли қоғозлар, товарлар ва бошқа мулкларни гаровга қўйиш кредит таъминотининг асосий турларидир. Шулардан гаров тўғрисидаги шартномалар кенг тарқалган. Бунда қуйидагиларни текшириш зарур: гаров тўғрисидаги шартноманинг ҳаққонийлиги, унинг юзаки тузилмаганлиги, унда гаровга қўйилган мулкларнинг қанчалик аниқ кўрсатилганлиги ва ҳоказо.

Кредитлар ҳисоб-китоб счёти ёки валюта счётидан пул ўтказиш, ҳамда қимматли қоғозларни бериш йўли билан қайтарилиши мумкин.

Аудитор кредитлардан фойдаланганлик учун фоиз суммаларининг қандай счётларда акс эттирилганлиги ёки қайси манбалар - молиявий

натижалар ёки бошқа манбалар ҳисобидан қопланганлигини текширади.

Фоизлар тўланишини текширишда улар таннархга қўшилганлигини аниқлаш зарур. Умуман олганда бу молиявий натижани бузиб кўрсатмайди, лекин услубиётдан четга чиқишга олиб келиши мумкин. Бу ўз навбатида молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот(2-шакл)да акс эттирилган, фоида таркиби шаклланишини, бундай суммалар катта бўлганида эса «Тўланган фоизлар» моддаси кўрсаткичларининг бузиб кўрсатилишига олиб келади. Қоидабузарликларнинг бундай турини аниқлаш ва етарли даражада аудиторлик далилларига эга бўлиш учун ҳужжатларни текшириш ва кредит учун фоиз суммаларининг арифметик ҳисоб-китоби каби усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Текширувда ахборот манбалари сифатида кредит шартномалари, аналитик ҳисоб регистрлари ва ҳисоб-китоблар ҳамда фоизларни акс эттириш бўйича бухгалтерия маълумотномаларидан фойдаланиш зарур.

Корхоналар амалиётида қарз маблағлар ҳисобидан сотиб олинган мулкларни баҳолашда хатоларга йўл қўйиш ҳоллари учраб туради.

Аудитор томонидан аниқланган, баҳолаш тамоилларининг бузилиш ҳоллари узоқ муддатли активлар(асосий воситалар, номоддий активлар ва шунга ўхшашлар)ни сотиб олиш қийматиға, капитал маблағ билан таъминлашға олинган кредитлар учун фоизлар, ушбу объектлар балансға қабул қилинганидан сўнг қўшилган ҳолларда юзаға келади.

Меъёрий ҳужжатларда капитал харажатларни амалға оширишда кредитларнинг фоиз тўловларини объектларнинг бошланғич қийматиға қўшишға, улар балансға қабул қилинишиға қадар амалға оширишға рухсат этилган. Объектлар балансға қабул қилинганидан сўнг тўланган кредит учун фоизлар дастлабки қийматға қўшилмайди, балки молиявий натижаларға олиб борилади.

Кредит ва қарзларни текшириш доирасидаги бюджет билан ҳисоб-китоблар текшируви билан кесишадиган амаллар бўйича капитал харажатларни маблағ билан таъминлашға фойда солиғи бўйича имтиёз

суммалари асосланади.

Агар асосий воситалар кредит ҳисобидан сотиб олинган бўлса, аудитор корхонанинг мазкур имтиёзлардан фойдаланганлигини текшириши лозим. Бунда қуйидаги қоидабузарликлар аниқланиши мумкин:

- * имтиёзнинг банкдан ташқари олинган кредитлар учун қўлланилганлиги;

- * ҳисобланган, аммо ҳисобот даврида тўланмаган фоиз тўловлари ҳам имтиёзга киритилганлиги. Солиқ қонунчилигига мувофиқ фойда солиғи бўйича имтиёз суммасини ҳисоблашда фақат ҳақиқатда қилинган харажатлар ва чиқимлар ҳисобга олиниши мумкин. Капитал харажатларни маблағ билан таъминлаш мақсадида олинган ва ишлатилган банк кредитларини қайтариш учун имтиёз, капитал харажатларга йўналтирилган суммалар доирасида, яъни имтиёз суммаларини ҳисоблаш учун фақат ҳақиқатда банкка тўланган фоизлар доирасида берилади;

- * фоизлар олдиндан капитал харажатлар таркибида ҳисобга олиниб қўйилганда, қайта қўшилиши;

- * номоддий активлар ёки қимматли қоғозлар сотиб олиш учун сарфланган кредит маблағлари учун фоизларнинг имтиёзга қўшилиши. Солиқ қонунчилигига мувофиқ номоддий активларни сотиб олиш ёки яратиш билан боғлиқ харажатлар, ишлаб чиқаришга мўлжалланган капитал харажатларни маблағ билан таъминлаш учун имтиёз беришда ҳисобга олинмайди.

Фоизларни акс эттиришда йўл қўйилган хатолар молиявий натижалар шаклланишига таъсир кўрсатади. Аудитор корхонанинг ўз маблағ манбаларининг ҳисобига ҳисобдан ўчирилган қуйидаги далилларни аниқлаши лозим:

- * Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ҳисоб ставкалари пасайган ҳолда, кредит учун фоизларнинг ундан ошган қисми (агар шартномада фоизлар ўзгариши кўзда тутилмаган бўлса);

- * жорий фаолият учун олинган кредитлар бўйича учта пунктга

оширилган, ҳисоб ставкасидан ошган фоизлар, ҳамда валюта кредитлари бўйича белгиланган ставкалардан ошган фоизлар;

Шундай қилиб, кредит шартномаларини текшириш чоғида аудитор қуйидагиларга эътибор қаратиши лозим:


- кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг ҳажми;
- кредитлар бўйича фоизлар ставкасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки қайтадан маблағ билан таъминлаш (ремолиялаштириш) ставкасига нисбати;
- кредит шартномалари бўйича фоизлар ставкаларини Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки қайтадан маблағ билан таъминлаш ставкаларининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда ўзгартириш кўзда тутилганлиги. Бу «Харажатлар таркиби ... тўғрисидаги Низом»га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки кредитлари бўйича янгидан ўрнатилган ставкалар янгидан тузилган ва муддати ўзайтирилган шартномаларга, ҳамда ҳисоб ставкаларининг ўзгариши кўзда тутилган, олдин тузилган шартномаларга ҳам қўлланилади. Мазкур қоида капитал харажатларни маблағ билан таъминлаш учун олинган кредитларга қўлланилмайди.

Корхоналар амалиётида, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ҳисоб ставкасини кредит шартномасида белгиланган фоиз ставкаларидан пасайтирганида, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг янгидан белгиланган ставкасидан ошган қисмини, кўрсатилган фоизларни ўз манбалари ҳисобига ҳисобдан ўчириб, ўз манбалари ҳисобига олиб бориш ҳоллари учрайди. Бунда корхона ўз фаолияти натижаларини шакллантириш тамоилларини бузади.

Хорижий валютада олинган кредитларга доир муомалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби миллий валютадаги яъни сўмда олинган кредитларни акс эттиришга ўхшаш. Аммо бундай кредитларни текшириш чоғида аудитор уларнинг олиниш хусусиятларини ҳисобга олиши лозим. Чунки, улар валюта муомалалари қаторига киритилиб, хусусан, норезидентлардан жалб қилинган кредитлар кўринишида олинган валюта

маблағлари кирими мажбурий сотилмайди. Бунда валютада олинган кредитлар бўйича курс тафовутларини аниқлаш ва акс эттиришнинг тўғрилигини текшириш зарур.

Шунингдек, аудитор кредитларнинг турлари бўйича счётлар режасининг тўғри қўлланилишини, ушбу счётлар бўйича синтетик ва аналитик ҳисобнинг қандай ташкил этилганлигини, аналитик ҳисоб маълумотларининг синтетик ҳисоб регистрлари ва Бош дафтар маълумотларига мослигини текширади. Аналитик ҳисобнинг ташкил этилиши ҳар бир шартнома бўйича ва кредитларнинг турлари бўйича текширилади.



2.4-расм. Банк кредитлари бўйича ҳисоб-китобларда учрайдиган асосий хатоликлар¹⁴.

Аудитор тўпланган далиллар етарлилигини баҳолашда ушбу ҳолатлар аниқланган босқични (режалаштириш, аудит ўтказиш) ҳисобга олиши керак. Шунингдек, катта хатолар хатарини дастлабки баҳолаш ва батафсил текшириш режалари ҳам эътиборга олиниши лозим.

¹⁴ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Агар бундай ҳолатлар режалаштириш босқичида аниқланган ва ҳисобга олинган бўлса, унда аудитор тўпланган далилларнинг етарлилигига ва режалаштирилган ҳамда қўшимча аудиторлик амалларини бажаришнинг мақсадга мувофиқлигига баҳо бериши зарур.

Аудиторлик текширувининг асосий босқичларини ўтказиш натижалари аудит ўтказишдан қўйилган мақсадга эришилганлик даражасини баҳолаган ҳолда аудиторнинг ишчи ҳужжатларида қайд қилиниши лозим.

II боб бўйича хулоса

Диссертациянинг 2-бобида банк кредитлари аудитининг ҳозирги амалиёти ёритилган. Хусусан мазкур бобда банк кредитлари аудитини режалаштириш, аудит ўтказиш ва натижаларни расмийлаштириш масалалари ёритилган.

Амалдаги тартибда корхоналарнинг кредитга лаёқатлигини баҳолаш корхонанинг молиявий аҳволини қисқа муддатда ўрганиш имконини бермайди. Чунки, амалдаги тартиб учта кўрсаткич(мезон)ни яъни, жорий, оралик ва умумий тўловга қобиллигини ўрганишга қаратилган бўлиб бу тартиб корхонанинг молиявий ҳолатини жорий сифатини тўла ифода эта олмайди. Банк кредитларини жалб қилиш иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг қўшимча манбаларидан ҳисобланади. Корхоналар билан банк ўртасидаги кредит муносабатлари томонларнинг ўзаро мажбуриятлари ва маъсулиятларини белгилайдиган, кредит шартномаларига асосан тартибга солинади.

Тижорат банклари ва корхоналар томонидан қўллаб келинаётган тартибларда кредитга лаёқатлилигини айрим жиҳатларигагина ўз аксини топганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу таомиллар умумий кредит қарорлари юзасидан якуний хулосага келишга тўла имкон бермайди. Шу сабабли, корхонанинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил этишда комплекс таҳлилни амалга ошириш зарур деб ўйлаймиз.

III БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА БАНК КРЕДИТЛАРИ АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Банк кредитлари аудитини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш

Ривожланган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда аудитнинг халқаро стандартларини ўзимизнинг иқтисодий, маънавий қарашларимиздан келиб чиқиб миллий стандартларни яратиш борасида анчагина ишларнинг амалга оширилди.

Иқтисодий тарақиётимизнинг бош меъзони сифатида қаралаётган хорижий инвесторларни жалп қилиш, мамлакатда модернизациялаш ва янги техника, технологияларни тадбиқ қилиш шароитида миллий ҳисобтизимимизда ҳам бир талай ўзгаришларнинг бўлиши аниқ ҳолатдир. Гап шундаки, кўплаб қўшма корхоналарнинг ташкил топиши ва замонавий ахборот техника-технологияларининг амалиётда кириб келишини жадаллашуви, бухгалтерия ва аудит соҳалирига оид компютер праграммаларини кўплаб турларини кириб келиш аудитнинг халқаро стандартлари асосида миллий стандартлар шакллантирувига эҳтиёжни пайдо қилмоқда.

Банк кредитлари аудитини такомиллаштиришда ривожлаган мамлакатлар тажрибасини ўрганиб чиқиш муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблайман. Шунинг учун банк кредитлари аудитини ривожлантиришда халқаро стандартлардан фойдаланиш керак. Қуйида аудитнинг халқаро стандартларидан бирини, яъни “Аудитнинг далиллар-аниқ белгиланган моддаларига тегишли қўшимча масалалар “ деб номланган 501-стандартни култириб ўтсак.

Ушбу Аудит халқаро стандарти (АХС)нинг мақсади молиявий ҳисобот ва бошқа ёритишларнинг муайян аниқ белгиланган суммалар юзасидан 500-АХС “Аудиторлик далил”ни тўплаш бўйича стандартларини белгилаш ва қўланма тақдим этишдан иборат.

Ушбу АХСда баён этилган стандартлар ва қўлланмадан фойдаланиш аудиторга молиявий ҳисобот ва бошқа ёритишларнинг аниқ белгиланган суммалари юзасидан аудиторлик далиллар олишга ёрдам беради.

Бу АХС қуйидаги қисмлардан иборат:

А қисм. Товар моддий захираларини инвентарлашда ҳозир бўлиш

Б қисм. Дебиторлик қарзи қолдиғини тасдиқлаш

С қисм. Суд ишлари ва даъволарга тегишли сўровнома

Г қисм. Узоқ муддатли инвестицияларга баҳо бериш ва ёритиш

Д қисм. Сегмент бўйича маълумот

Банк кредитлари аудитида аудиторлик далилларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларига, шунингдек уларни олиш мақсадида бажариладиган амалларга нисбатан қўйиладиган талаблар № 500 – «Аудиторлик далиллари» номли АХСда белгиланган. Ушбу стандарт талабларини барча аудиторлик ташкилотлари аудиторлик текширувларини ўтказиш чоғида қўллаши мажбурийдир.

Ушбу жараёни такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман, ва ҳоланки аудит текширувининг самарали кечиши далилларга боғлиқ бўлади. Шунингдек банк кредитлари аудитининг аҳамияти жуда ошиб бормоқда, мамлакатни модернизация қилиш жараёнида янги техника, технологияларни ҳамда кўплаб дастурларни қўлланилиши замирида янгича фикирлаш ва янгича ёндошиш асносида ишлашни тақозо қилади. Бунда асосан аудитни халқаро стандартларидан фойдаланиш энг самарали йўللardan бири ҳисобланади. Шу мақсадда АХСнинг 500-стандарти “Аудиторлик далил”га қисқача тўхталиб ўтсак.

Ушбу аудит халқаро стандартининг мақсади молиявий ҳисоботни аудит қилиш пайтида олинadиган аудиторлик далилларнинг миқдори ва сифати ҳамда аудиторлик далилларни олиш мақсадида бажарилган амаллар юзасидан стандартларни белгилаш ва қўлланма тақдим этишдан иборат.

Аудиторлик далиллар назорат тестлари ва моҳияти бўйича муолажаларнинг тегишли мажмуининг ўтказилиши натижасида олинади.

Айрим вазифаларда далиллар моҳияти бўйича муолажалар асосида тўлиқ олиниши мумкин.

“Аудиторлик далиллар” - бу аудиторлик хулосаси асосланган ва аудитор томонидан хулосани шакллантириш жараёнида олинadиган маълумот. Аудиторлик далиллар молиявий ҳисобот асосида ётадган дастлабки ҳужжатлар ва ҳисоб ёзувлари ҳамда бошқа манбалардан олинadиган тасдиқловчи маълумотларда иборат бўлади.

“Назорат тестлари”- бу бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари томонидан бажарилаётган вазифалар яроқли эканлигига аудиторлик далилларини олиш мақсадида бажариладиган тест синовлари.

АХС 500-стандартини етарли бўлган тегишли аудиторлик далиллар бандида айтилишича Етарлилик ва мувофиқлик тушунчалари ўзаро боғлиқ ва назорат тестлари билан бир қаторда, моҳияти бўйича муолажалар натижасида олинган аудиторлик далиллар юзасидан қўлланилади. Етарлилик аудиторлик далилларнинг миқдорий ўлчамини ифодалайди; тегишлилик аудиторлик далилларнинг сифат ўлчами, аниқ белгиланган тасдиқ юзасидан релевантлиги ва улар ишончлиги ҳисобланади. Одатда, аудитор яқуний эмас, кўпроқ ишонтирувчан бўлган аудиторлик далилларга таяниш лозим деб ҳисоблайди ва бир хил фикирни тасдиқлаш учун турли тавсифга эга бўлган ёки турли манбалардан аудиторлик далилларни тўплайди.

Аудитор хулосасини шакллантиришда аудитор, одатда, мавжуд бўлган барча маълумотни текширмайди, чунки ҳисобварақлар қолдиғи, операциялар туркуми ёки назорат юзасидан хулосалар касбий мулоҳаза ёки статистик танлаб олиш асосида шакллантириш мумкин.

Аудиторлик далилларни ишончлиги уларнинг манбаи ҳамда уларнинг тавсифига боғлиқ. Агар аудиторлик далилларнинг ишончлиги алоҳида вазиятлардан келиб чиқса, қуйидаги умумий қоидалар аудиторлик далилларнинг ишончлигига баҳо беришга ёрдам беради:

- тижорат банкларидан банк кредитлари бўйича олинган аудиторлик далиллар (масалан, учинчи томондан олинган тасдиқ) ички манбалардан олинган аудиторлик далиллар ишончлироқ ҳисобланади;

- амалдаги бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимининг самарадорлигида ички манбалардан олинган аудиторлик далиллар ишончлироқ ҳисобланади;

- банк кредитларини текширишда бевосита аудитор томонидан олинган аудиторлик далиллар субъектдан олинган далилларга қараганда ишончлироқ ҳисобланади;

- ҳужжат шаклида ва ёзма тақдимотлар кўринишида олинган аудиторлик далиллар оғзаки далилларга қараганда ишончлироқ.

Агар далиллар алоҳида элементларлари турли манбалардан олинса ёки турли тавсифга эга бўлиб изчил бўлса, аудиторлик далиллар ишочлироқ ҳисобланади.

Аудиторлик далилларни олиш мақсадида қуйидаги муолажалар бажарилади:

Текшириш, кузатиш, сўровнома ўтказиш ва тасдиқлаш, ҳисоб-китоб ва таҳлилий муолажалар. Ушбу муолажаларни бажариш муддати қисман олинини лозим бўлган аудиторлик далилларнинг олиш учун вақт муддати қулайлигига боғлиқ.¹⁵


Кўриниб турибдики ҳозирда амал қилиб турган миллий стандартимиз негизида халқаро стандарлар қоидалари ётибди, бундан кўринадики иқтисодиётимиздаги жадал ривожланиш жараёнида, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувни яққол кўришимиз мумкин.

Банк кредитлари аудитида далилларини тўплашни такомиллаштириб боришни зарурлиги шундаки мамлакатни модернизация қилиш жараёнида янги техника, технологияларни шунингдек компьютер дастурларини янгиланиб бораётганлиги электрон имзо каби прогрессив ўзгаришларни

¹⁵ Аудитнинг халқаро стандарти 500-стандарт “ Аудиторлик далил-аниқ белгиланган моддаларга тегишли қўшимча масалалар.”

амалга оширилаётганлиги аудит жараёнини ҳам шунга мослаб олиб боришни талаб қилади.

Аудитор банк кредитларини текшириш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботидаги кўрсаткичларни тўғрилигига ишонч ҳосил қилиши учун аудиторлик амалларининг кетма-кетликларига риоя қилинган ҳолда текшириш зарурдир. Банк кредитлари аудитида текширилиши лозим бўлган ҳужжатлар қуйидаги расмда келтириб ўтилган.



3.1-расм. Банк кредитлари аудитида текширилиши лозим бўлган ҳужжатлар.¹⁶

Аудиторлик текширувида зарур амалларнинг бажарилиши таъминланиши ва уларнинг натижасида аудитор етарли ва керакли аудиторлик далилларини олиниши шарт. Аудитор:

- мижоз, ташқи муҳит ва аудит қилинаётган ташкилот фаолиятига таъсир этувчи шароитлар, ички назорат тизими тўғрисидаги ахборотни ўрганади;
- турли манбалардан зарур ахборотларни олиб, бухгалтерия счётлари бўйича оборотлар ва қолдиқларни ўрганади;
- ҳисоботда ахборотларнинг очиб берилиши тўлиқлигини баҳолайди.

¹⁶ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Бунда битта ахборот базаси асосида миллий стандартлар бўйича ҳам, халқаро стандартлар бўйича ҳам ўхшаш амаллар бажарилади.

БҲМС бўйича ва айниқса МҲХС бўйича аудит ўтказишда аудитор томонидан бажариладиган амалларнинг икки марта қайтарилиши тўғрисидаги савол туғилиши табиий. Бу масала аудитни параллел равишда келишилган ҳолда олиб бориш билан муваффақиятли ҳал этилиши мумкин. Бу, таклиф этилаётган ёндашув самарадорлигининг навбатдаги шарти ҳисобланади.

Олинган аудиторлик далиллари асосида аудитор тузатилмаган хатоларнинг молиявий ҳисобот ишончилигига таъсирини баҳолайди ва ҳисобот ишончилиги тўғрисида аудиторлик хулосаси шаклида тақдим этиладиган фикрини шакллантиради. Бунда риоя қилиниши зарур бўлган асосий талаблардан бири – ишчи ҳужжатларни тузишда аудиторлик амаллари ва олинган аудиторлик далиллари батафсил ҳужжатлаштириш ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг барқарор тарзда ривожланиши, молиявий ҳолатининг яхшиланиши кўп жиҳатдан уларда мавжуд бўлган ички назорат тизимига боғлиқ. Ички назорат тизими такомиллаштириш, ривожланиш усуллари асослаш ва амалга ошириш ҳамда корхона молия-хўжалик фаолиятига салбий таъсир этувчи омилларни аниқлашни ўз ичига олувчи доимий жараёни ўз ичига олади.

Аудиторлик текширувини ўтказишда аудитнинг сифати ва самарадорлиги муҳим ўрин тутди. Бунинг учун, аввало, аудитор текширилаётган мижоз корхонанинг ички назорат тизими ҳолатини чуқур ўрганиши лозим. Чунки ички назорат тизими аудиторлик таваккалчилигига бевосита боғлиқ бўлиб, текшириш жараёнида аудитор таваккалчиликни мақбул бўлган паст даражагача камайтириш аудиторлик амалларини қўллаш орқали ички назорат тизими ҳолатига баҳо бериши керак.

Банк кредитлари бўйича ички назорат тизимини баҳолаш банк кредитларини текшириш учун вақтни тўғри тақсимлаш ва текширув

кўламини тўғри аниқлаш учун зарур ҳисобланади. Айнан ички назорат тизимига баҳо бериш орқали мижоз корхона фаолиятини текшириш дастури тўғри белгиланиши мумкин. Бундан ташқари ички назорат тизимига баҳо бериш ёрдамида аудиторлик ташкилоти мижоз корхонада уни тартибга солиш ва такомиллаштириш бўйича маслаҳат бериши мумкин.

3.1-жадвал

Банк кредитлари аудитида молиявий ҳисобот моддаларини тўғрилигини баҳолаш мезонлари¹⁷

Мезонлар	Тест саволининг мазмуни	Жавоб (Ҳа, йўқ)
Ҳуқуқ ва мажбуриятлар	Тижорат банки олдида қарздорлик мавжуд ва у қонуний шартнома асосида юзага келган	Ҳа
	Бухгалтерия ҳисобидаги барча ҳужжатлар ҳақиқий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида тузилган	Ҳа
	Кредит бўйича фоизлар кредит шартномасига мувофиқ тўғри тўланмоқда	Ҳа
	Кредитлар қонуний ва асосланган ҳолатдан олинган	Ҳа
Тўлиқлик	Кредит суммалари тўлиқ ва ўз вақтида узилмоқда	Ҳа
	Кредит бўйича операциялар тўлиқ ҳажмда акс эттирилган.	Ҳа
	Ахборотларнинг тўлиқлиги бўйича бухгалтерия ҳисоби тамойилларига амал қилинган	Ҳа
Аниқлик	Бухгалтерия ҳисобида кредит бўйича операциялар қайси даврда юзага келган бўлса, ўша даврда акс эттирилган.	Ҳа
	Фоизлар кредит шартномаси бўйича аниқ ва ўз вақтида тўланмоқда.	Ҳа
Мавжудлик	Инвентаризация натижалари банк олдида кредит бўйича қарзларнинг мавжудлигини тасдиқлайди	Ҳа
	Бухгалтерия ҳисобида кредит бўйича барча операциялар акс эттирилган.	Ҳа
Тақдим этиш ва очиб бериш	Кредит бўйича қарздорлик турлари, тўлаш муддатлари бўйича тўғри таснифланган.	Ҳа
	Ахборотлар молиявий ҳисобот шаклларида очиб берилган.	Ҳа
Баҳолаш	Кредит бўйича суммалар тўғри ҳисобланган ва молиявий харажатлар тўғри ўтказилган.	Ҳа

Мазкур баҳолаш мезони орқали банк кредитлари бўйича ички назорат тизими ҳолатини аниқлаш натижалари юзасидан ушбу тизимнинг ишончлилигини тасдиқлайди. Демак, мазкур мезон аудиторлик текширувининг кўлами ва муддати тўғри белгилаш имконини беради.

Халқаро стандартлар бўйича тузилган ҳисобот бўйича қўшимча

¹⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

амаллар бажариш натижаларини акс эттириш мақсадида миллий молиявий ҳисобот аудитида қўлланиладиган мавжуд ишчи ҳужжатлар шаклларини такомиллаштириш, ҳисоботнинг ҳар бир турига тааллуқли алоҳида аудит бўйича аудиторлик амалларини ҳужжатлаштириш учун махсус ишлаб чиқилган ишчи ҳужжатларни тўлдиришга қараганда, жамланма ишчи ҳужжатини тўлдиришга сарфланадиган вақтни тежаш имкониятини беради.

3.2. Аудиторлик текширувларида корхона кредитга лаёқатлилигини аниқлашни такомиллаштириш йўналишлари

Бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги босқичида хўжалик юритувчи субъектларнинг кредит қобилиятини таҳлил қилиш комплекс иқтисодий таҳлил(КИТ)нинг алоҳида, мустақил босқичи кўринишида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Кредит қобилияти кўпгина омилларга боғлиқ, уларнинг ҳар бирини баҳолаш ва ҳисоблаб чиқиш мураккаб ҳамда сермеҳнат жараён бўлиб, махсус билим, амалий тажриба ва мукамал илмий-услубий таъминотни талаб этади. Кредит қобилиятини таҳлил қилишда қўлланиладиган кўрсаткичларнинг катта қисми ўтган даврдаги маълумотларга ёки бирон-бир санага тузилган ҳисоботларга асосланади ва шу боис улар инфляция таъсирида ўзгариб кетиши мумкин. Баъзи омиллар, масалан, қарз олувчининг маънавий қиёфаси ҳамда обрўси каби омилларни аниқлаш ва миқдор жиҳатдан баҳолаш анча мураккаблик туғдиради. Шу боис, мазкур вазифаларни ҳал қилишга доир кўплаб, бир-бирини инкор қилмайдиган, балки жамланганда бир-бирини тўлдирадиган ва корхонанинг кредит қобилиятини ҳақиқатга янада яқинлаштирадиган замонавий усуллар ҳамда ёндашувларни самарали қўллаш мақсадга мувофиқ.

Дунё амалиётида кредит қобилиятини молиявий коэффициентлар тизими асосида баҳолаш бўйича коэффициентларнинг қуйидаги бешта гуруҳи қўлланилади: 1) ликвидлик коэффициентлари; 2) айланувчанлик коэффициентлари; 3) молиявий дастак коэффициентлари; 4) фойдалилик

(рентабеллик) коэффицентлари; 5) қарзга хизмат кўрсатиш коэффицентлари.

Ликвидлик, дебитор қарз айланувчанлиги, захиралар айланувчанлиги, рентабеллик, активлар айланувчанлиги, узоқ муддатли тўлов қобилятини тавсифлайдиган кўрсаткичлар гуруҳи ва бозор мезонларига асосланган бошқа кўрсаткичлардан фойдаланиш таклиф қилинган¹⁸. Бу ёндашув кредиторларнинг фоизлар тўланмаслигидан ҳимояланганлик даражасини (фоизларни қоплаш коэффицентини) ҳисобга олган ҳолда узоқ муддатли тўлов қобилятини прогноз қилиш имконини беради. Бозор мезонларига асосланган коэффицентлар акциялар баҳосининг даромадларга нисбати, дивидендлар ҳажми ва бозор rischi нисбатини ўз ичига олади. Улар ёрдамида акциялар жорий биржа курсининг битта акцияга тўғри келадиган даромадга нисбати, акциялар эгасининг жорий фойдаси, фирма акциялари курсининг бошқа фирмалар акциялари курсига нисбатан ўзгарувчанлиги аниқланади. Лекин айрим коэффицентларни ҳисоблаш жуда мураккаб бўлиб, махсус статистик усуллардан фойдаланишни талаб қилади. Амалиётда ҳар бир тижорат банки ўзи учун маълум бир коэффицентларни танлайди ва уларни ҳисоблаш услуби билан боғлиқ масалаларни ҳал этади. Бундай ёндашув кредит олувчи корхонанинг молиявий аҳволини синтезланган кўрсаткич-рейтинг асосида ҳар бир коэффицент учун бериладиган балл билан тавсифлашга имкон бериши мумкин. Балларга мувофиқ эса корхона синфи белгиланади: биринчи синф, иккинчи синф, учинчи синф ва тўловга қобилятсиз. Банк фоиз ставкалари шкаласини ишлаб чиқишда, кредитлаш шартларини белгилашда, кредитлаш режимини ўрнатишда (кредит шакли, кредит линияси ҳажми ва тури ва ҳ.к.), кредит портфели сифатини баҳолашда, банкнинг молиявий барқарорлигини таҳлил қилишда корхона кредит қобиляти бўйича тегишли бўлган синфни эътиборга олади.

¹⁸ Нидлз Б., Андерсон Х., Колдуэлл Д. Принципы бухгалтерного учета. Москва, Финансы и статистика, 1997г. - С. 496

Кредит скоринги тушунчаси рейтингли баҳолашнинг модификациялаган кўриниши бўлиб, XX асрнинг 40-йилларида америкалик олим Д. Дюран томонидан қарз олувчиларни истеъмол кредити бўйича танлаб олиш учун таклиф қилинган техник усулдир¹⁹. Кредит скорингининг фарқи шундаки, рейтингли баҳолаш формуласида кўрсаткич ўрнига унинг қисман балл баҳосидан фойдаланилади. Ҳар бир кўрсаткич учун қийматларнинг бир нечта интервали белгиланади. Ҳар бир интервалга маълум миқдордаги баллар ёзилади ёки синфи аниқланади. Агар хўжалик юритувчи субъект олган рейтинг банк ходимлари аввалдан белгिलाган қийматдан паст бўлса, бунда унинг кредит олиш ҳақидаги аризаси (буюртмаси) рад этилади. Агар нормативларга мос келса, кредит буюртмаси қабул қилинади. Рейтинг моделининг афзаллиги унинг соддалигидан иборат. Чунки бунда молиявий натижаларни ҳисоблаб чиқиш ва уларнинг муҳимлик коэффициенти инобатга олиб, кредит олувчи корхонанинг синфини аниқлаш кифоя қилади. Ушбу моделга мувофиқ хусусий кўрсаткичлар бўйича мақбул қийматларни ҳисоб-китоб қилиш, корхоналарни молиявий натижаларига кўра бир текисда ажратиш имкониятлари ва кредит қобилиятини баҳолашга комплекс ёндашув таъминланади. Бунга корхона фаолиятининг турли томонларини акс эттирувчи кўрсаткичлардан фойдаланиш орқали эришилади. Лекин мазкур методикадан фойдаланишда учрайдиган қатор муаммоларни инобатга олиш зарур:

- молиявий кўрсаткичларни синчиклаб танлаб олиш (хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг турли томонларини тавсифловчи кўрсаткичлардан фойдаланиш талаб этилади, бу унинг молиявий аҳволини тўлароқ тавсифлашга имкон беради);

- кўрсаткичларнинг бошланғич қийматларини асослашнинг муҳимлиги (ҳозирча бундай ёндашувни амалга ошириш анча қийин, чунки кўрсаткичларнинг ҳақиқий ҳолати ва даражаси ҳақидаги ахборотлар етарли

¹⁹ Саттаров М. Qarz oluvchilarning moliyaviy holatini scoring usulida baholash. Bozor, pul va kredit jurnali. №4/2015(215), -Б. 31 -37

эмас, шунингдек, банкларнинг мана шундай маълумотлар базасини шакллантиришдаги иштироки ҳам паст даражада);

- кўрсаткичларнинг ҳар бир гуруҳи учун муҳимлик коэффициентини аниқ бир ҳўжалик юритувчи субъектнинг фаолият соҳасига мувофиқ асослаш зарурати;

- кредит олувчиларни турли синфларга киритувчи, чегара ҳудудларидаги четга оғишишлар кўламини аниқлаш;

- рейтинг баҳолашда кўрсаткич даражаларининг фақат белгиланган тегишли нормативларга мувофиқ келувчи оптимал қийматларга нисбатан даражаси ҳисобга олинади, лекин уларнинг бажарилиш ёки бажарилмаслик даражаси эътиборга олинмайди;

- молиявий коэффициентлар қолдиқлар тўғрисидаги маълумотларга асосан ўтган даврдаги ишлар ҳолати қандай бўлганини акс эттиради;

- ҳисоблаб чиқарилаётган коэффициентлар фаолиятнинг фақат алоҳида томонларини кўрсатади;

- ҳисоблаб чиқариладиган коэффициентлар тизимида кўпгина омиллар - қарз олувчининг обрўси, бозор конъюнктурасининг истиқболлари ва хусусиятлари, ишлаб чиқарилаётган ва реализация қилинаётган маҳсулотлар баҳоси, капитал қўйилмалар истиқболлари ва ҳ.к. ҳисобга олинмай қолади.

Статистик усуллар ёрдамида олинadиган *прогноз моделлар* кредит олувчи корхоналарнинг сифат жиҳатларини баҳолаш учун ишлатилади. Кўп миқдорли дискриминант таҳлилда (КМДТ) қарз олувчининг молиявий аҳволини (шу жумладан, молиявий коэффициентни) тавсифлайдиган баъзи параметрлар (регрессия коэффициентлари) ва омиллар ҳисобга олинган дискриминант функциядан (2) фойдаланилади. Регрессия коэффициентлари маълум бир вақт мобайнида ёки банкротликка учраган ёки яшаб қолган корхоналарни танлаб олиш ва уларга оид маълумотларга статистик ишлов бериш натижасида ҳисоблаб чиқарилади. Агар корхонанинг 2-баҳоси ўртача банкрот корхонанинг кўрсаткичига яқин бўлса, корхонанинг аҳволи ёмонлашиши давом этаверса банкротлика учрайди. Агар корхона

менежерлари ва банк молиявий қийинчиликларни бартараф этиш учун барча кучларни ишга сафарбар қилса, банкротлик юз бермаслиги мумкин. Шундай қилиб, 2 - баҳо корхонани банкротликдан огоҳлантириш учун сигнал ҳисобланади. Бундай моделни қўллаш корхоналарни турли соҳалар ва фаолият қўламига қараб кенг репрезентатив танлашни талаб қилади. Бу ишнинг мураккаблиги шундаки, регрессия коэффицентини ҳисоблаш учун соҳа ичида банкротликка учраган корхоналарнинг етарлича сонини доим ҳам топиб бўлмайди.

Альтман ва Чессер моделлари энг таниқли КМДТ моделлари ҳисобланади. Бу моделлар қуйидаги кўрсаткичларни ўз ичига олади: ўз айланма маблағларининг жами активлар суммасига нисбати; реинвестиция қилинадиган фойданинг активлар суммасига нисбати; акциялар бозор қийматининг қарз капиталига нисбати; сотиш ҳажмининг (реализациядан тушган тушум) активлар суммасига нисбати; брутто-фойданинг (фоизлар ва солиқлар чегириб ташланмаган фойда) активлар суммасига нисбати²⁰.

Корхона Альтман моделининг Ъ - индекси қиймати асосида маълум бир ишончлилик синфига киритилади. Альтманнинг беш омилли модели 66 та фирма аҳволининг таҳлилига асосланган бўлиб, банкротлик прогнозини икки-уч йил аввалдан аниқлашга имкон яратади. Олим ўзининг анча кейинги ишларида ижара бўйича капиталлаштириладиган мажбуриятлар каби омилларни ўрганди, тасодифий тебранишларни бартараф қилиш учун маълумотларни текислаш усулини қўллаган. Янги модель банкротликни икки йил олдиндан юқори аниқлик билан, беш йил олдиндан эса камроқ эҳтимоллик (тахминан 70%) билан башорат қилади. Фикримизча, Ўзбекистон шароитида бундай моделларни тузиш анча мураккаб. Чунки корхоналарнинг банкротлиги тўғрисида аниқ ва ишончли статистик маълумотлар етарли эмас.

Комплекс таҳлилга асосланган моделлар қўлланилганда кредит олувчи корхонанинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини уйғунлаштириш мумкин.

²⁰ Васильева Л.С., Петровская М.В. Финансовый анализ Москва: КНОРУС, 2006г. – С.-544.

Масалан, АҚШ банклари амалиётида «олти Си» қоидаси қўлланилади. Унинг моҳиятини кредитлашнинг олти асосий тамойиллари ташкил этади. Тамойилларнинг номи инглизча «Си» (C) ҳарфи билан бошланади Character, Capacity, Cash, Collateral, Conditions, Control.. Уларнинг қисқача таърифига тўхталиб ўтамиз.

Қарз олувчининг феъл-атвори Character: масъулиятлилик, ишончлилик, ҳалоллик, виждонлилик ва миқдорнинг ниятлари жиддийлиги.

Маблағларни ўзлаштириш қобилияти (Capacity): кредит инспектори кредит сўраётган миқдор кредит учун буюртма беришга ва кредит шартномасини имзолашга юридик жиҳатдан ҳақли эканлигига ишонч ҳосил қилиши зарур. Яъни кредит сўраб мурожаат қилган корхона (банк) раҳбари ёки вакили музокаралар юритиш ва корхона(банк) номидан кредит шартномасини имзолаш учун тегишли ваколатга эга бўлиши шарт.

Пул маблағлари (Cash): корхона олган кредитини ўз активларини сотиш ёки тугатишдан олинган маблағлари, нақд пул тушуми ёки жалб қилинган ресурслар ҳисобига қоплаш имкониятини аниқлаш ҳар бир кредит буюртмасининг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Таъминот (Collateral): кредит буюртмасига оид таъминотни баҳолашда қарз олувчи кредитга оид таъминот тақдим қилиш учун етарли капиталга ёки сифатли активга эга эканлигини аниқлаш зарур. Таъминланмаган кредитлар малакали раҳбарият ва аъло даражадаги кредит тарихига эга бўлган биринчи синф корхоналарига берилади.

Шартлар (Conditions): кредит инспектори кредит олувчи корхонанинг тегишли соҳада шаклланаётган ишлари қандай бораётганидан, шунингдек, мамлакатдаги иқтисодий ва бошқа шароитлар кредитни қайтариш жараёнига қандай таъсир кўрсатиши мумкинлигидан хабардор бўлиши зарур.

Назорат (Control) қонунчиликда, мамлакатдаги ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий вазиятда бўй берган ўзгаришлар кредит олувчи корхонанинг фаолиятига ва унинг кредит қобилияти ўзгаришига қанчалик салбий таъсир кўрсатишини аниқлаштиришдан иборат.

Кредит қобилиятини баҳолаш учун тижорат банклари томонидан қўлланиладиган методикаларни тадқиқ қилиш натижалари хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий аҳволини холис ва тўғри баҳолаш муҳим эканлигидан далолат беради. Молиявий аҳвол таҳлилининг турлича экспресс-методикалари, шунингдек, пул оқимлари таҳлилидан фойдаланилади. Кредит қобилиятини баҳолашга оид миқдор кўрсаткичлари билан бир қаторда, сифат кўрсаткичларига, бизнесга таъсир кўрсатувчи ташқи ва ички омилларни ҳам ҳисобга олиш зарур. Лекин иқтисодиётнинг турли соҳаларига оид ягона меъёрий-услубий базанинг шаклланмаганлиги боис, таҳлил имкониятлари чекланган. У ёки бу қарз олувчи корхона соҳа хусусиятларини инобатга олган ҳолда маълум бир кредит қобилияти тоифасига тўғри киритиш, шунингдек, банклар кредит ресурсларини бераётган пайтида рискларни баҳолаш учун қўллайдиган, соҳага оид тавсияномалар ёки таснифлагичлар ҳам ишлаб чиқилмаган. Тижорат банклари асосан ўзининг ахборот базасига таянишга, қарз олувчининг молиявий имкониятларига эмас, кўпроқ унинг обрўсига ва кредит тарихига эътибор қаратишга мажбур.

III боб бўйича хулоса

Диссертациянинг 3-бобида банк кредитлари аудитини такомиллаштириш масалалари ёритилган. Хусусан мазкур бобда банк кредитлари аудитини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш ҳамда аудиторлик текширувларида корхона кредитга лаёқатлилигини аниқлашни такомиллаштириш масалалари ёритилган.

Банк кредитлари аудитини такомиллаштиришда халқаро стандартлардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Банк кредитлари аудитида далилларини тўплашни такомиллаштириб боришда авваламбор таҳлилий амаллардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари текширув натижаларини ҳужжатлаштиришга ҳам кенг эътибор қаратиш даркор. Ҳужжатлаштириш жараёни кўп меҳнат ва вақт сарфи билан

ажралиб туради.

Халқаро стандартлар бўйича тузилган ҳисобот бўйича қўшимча амаллар бажариш натижаларини акс эттириш мақсадида миллий молиявий ҳисобот аудитида қўлланиладиган мавжуд ишчи ҳужжатлар шакллари тақомиллаштириш, ҳисоботнинг ҳар бир турига тааллуқли алоҳида аудит бўйича аудиторлик амалларини ҳужжатлаштириш учун махсус ишлаб чиқилган ишчи ҳужжатларни тўлдиришга қараганда, жамланма ишчи ҳужжати тўлдиришга сарфланадиган вақтни тежаш имкониятини беради.

Аудиторлик текширувини ўтказишда аудитнинг сифати ва самарадорлиги муҳим ўрин тутди.

Бунинг учун, аввало, аудитор текширилаётган мижоз корхонанинг ички назорат тизими ҳолатини чуқур ўрганиши лозим. Чунки ички назорат тизими аудиторлик таваккалчилигига бевосита боғлиқ бўлиб, текшириш жараёнида аудитор таваккалчиликни мақбул бўлган паст даражагача камайтириш аудиторлик амалларини қўллаш орқали ички назорат тизими ҳолатига баҳо бериши керак.

Кредит қобилияти кўпгина омилларга боғлиқ, уларнинг ҳар бирини баҳолаш ва ҳисоблаб чиқиш мураккаб ҳамда сермеҳнат жараён бўлиб, махсус билим, амалий тажриба ва мукамал илмий-услубий таъминотни талаб этади. Кредит қобилиятини таҳлил қилишда қўлланиладиган кўрсаткичларнинг катта қисми ўтган даврдаги маълумотларга ёки бирон-бир санага тузилган ҳисоботларга асосланади ва шу боис улар инфляция таъсирида ўзгариб кетиши мумкин. Баъзи омиллар, масалан, қарз олувчининг маънавий қиёфаси ҳамда обрўси каби омилларни аниқлаш ва миқдор жиҳатдан баҳолаш анча мураккаблик туғдиради. Шу боис, мазкур вазифаларни ҳал қилишга доир кўплаб, бир-бирини инкор қилмайдиган, балки жамланганда бир-бирини тўлдирадиган ва корхонанинг кредит қобилиятини ҳақиқатга янада яқинлаштирадиган замонавий усуллар ҳамда ёндашувларни самарали қўллаш мақсадга мувофиқ.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларида янги босқични бошлаб берди. Яқин беш йилга мўлжалланган мазкур тарихий аҳамиятга эга ҳужжатнинг учинчи йўналишида хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва кафолатларини ишончли ҳимоялашни таъминлаш, барча турдаги тўсиқлар ҳамда чеклашларни бартараф этиш, ишбилармонликни ривожлантиришга тўлиқ эркинлик беришга алоҳида аҳамият қаратилгани эътиборга молик.

Банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий принциплари ва механизмларини жорий этиш, етакчи ишлаб чиқариш тармоқларини модернизация ва фаол диверсификация қилиш, молия-банк соҳасини ислоҳ этиш, хусусан, миллий валюта ва нархларнинг барқарорлигини таъминлаш, валютани тартибга солишнинг замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш бўйича кўзда тутилган чора тадбирлар бу борадаги кенг кўламли ислоҳотлар изчиллигига хизмат қилади. Белгиланаётган устувор вазифаларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш пулкредит сиёсатининг устувор йўналишларида ҳам ўз ифодасини топомқда. Зеро, бозор иқтисодий моделида банк тизими иқтисодий механизмларнинг тўқис ишлашида муҳим ўрин тутди. У умумий пул массасини мувофиқлаштириш, молиявий оқимлар ҳаракатини назорат қилиш, пул маблағларини жамлаш ва инвестиция қилиш, хўжалик субъектлари ўртасида ўзаро ҳисобкитобларни амалга оширишда фаол иштирок этиб, тармоқлар ва аҳолини кредит маблағлари билан таъминламоқда.

Мамлакатимиз тижорат банклари олдига халқаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, жалб қилинган хорижий инвестициялар ва кредитлардан самарали фойдаланиш вазифалари

қўйилмоқда. Банк кредитларидан самарали фойдаланиш ўз навбатида аудиторлик текширувларининг сифатли ўтказилишига бевосита боғлиқдир.

Олиб борилган изланишлар натижасида банк кредитлари аудитини такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни тавсия этамиз:

1. Банк кредитларидан фойдаланиш бу корхона фаолияти учун зарур бўлган воқелик ҳисобланади. Аммо банк кредитлари суммасининг меъёридан ошиб кетиши корхона фаолияти учун катта хавф туғдиради. Айниқса, тўланмай қолган кредит фоизлари ҳажмининг ортиб кетиши корхона фаолиятига салбий таъсир қилувчи омил эканлиги билан янада хавфлидир. Фикримизча, банк кредитларидан самарали фойдаланиш ва улар бўйича асосий ва фоиз тўловлари суммасининг ўз вақтида тўланиши мақсадга мувофиқдир.

2. Банк кредитлари аудитини ўтказиш жараёнида аудитор вазифалари қаторига баланс ҳисоботида акс эттирилган банк кредитлари ва улар бўйича фоизлар суммаси тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилиш билан бир қаторда, баланс ҳисоботида шу элементларнинг ишончли тўғри акс эттирилишини текшириш ҳам киради. Чунки, банк кредитлари юзасидан молиявий ҳисоботларда ахборотларнинг тўғри очиб берилиши молиявий ҳисоботларнинг ишончилигини таъминлашга имконият яратади.

3. Мазкур диссертация ишида аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти асосида банк кредитлари аудитининг дастури ишлаб чиқилди (диссертация ишининг 2.1-параграфи 31-бет). Банк кредитлари аудити дастурида аудиторлик тадбирлари рўйхати ишлаб чиқилиб, улрни амалга ошириш тартиби белгиланган. Мазкур дастурнинг аудиторлик текширувида қўлланилиши аудит иши вақтини тўғри тақсимлаш, муҳимлик ва аудиторлик rischi даражасидан келиб чиққан ҳолда аудит амалларини тўғри қўллаш имконини беради.

4. Банк кредитлари аудитини такомиллаштиришда ривожлаган мамлакатлар тажрибасини ўрганиб чиқиш муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблайман. Шунинг учун банк кредитлари аудитини ривожлантиришда

халқаро стандартлардан фойдаланиш керак. Бунда далил тўплаш ва далилларнинг ишончлилик даражасига эътибор қаратиш лозим. Диссертациянинг 3.1-параграфида (53-54-бетлар) келтирилган банк кредитлари аудити бўйича далилларнинг ишончлилик даражалари белгилаб берилди.

5. Банк кредитлари бўйича ички назорат тизимини баҳолаш банк кредитларини текшириш учун вақтни тўғри тақсимлаш ва текширув кўламини тўғри аниқлаш учун зарур ҳисобланади. Айнан ички назорат тизимига баҳо бериш орқали мижоз корхона фаолиятини текшириш дастури тўғри белгиланиши мумкин. Бундан ташқари ички назорат тизимига баҳо бериш ёрдамида аудиторлик ташкилоти мижоз корхонада уни тартибга солиш ва такомиллаштириш бўйича маслаҳат бериши мумкин. Диссертация ишининг 3.1-параграфида (57-бет) ишлаб чиқилган баҳолаш мезони банк кредитлари бўйича ички назорат тизими ҳолатини аниқлаш натижалари юзасидан ушбу тизимнинг ишончлилигини тасдиқлайди. Демак, мазкур мезон аудиторлик текширувининг кўлами ва муддати тўғри белгилаш имконини беради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, ушбу магистрлик диссертацияда ишлаб чиқилган таклифлар банк кредитлари аудитини такомиллаштиришга хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2017. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 152-модда; 2008 й., 52-сон, 510-модда; 2011 й., 16-сон, 159-модда; 2014 й., 16-сон, 176-модда; 2017 й., 14-сон, 213-модда.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 404-сон.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 149-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 14-сон, 110-модда; 41-сон, 405-модда; 2007 й., 37-38-сон, 378-модда; 2009 й., 37-сон, 403-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда; 2014 й., 20-сон, 222-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда

1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 1996 й., 5-6-сон, 54-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда.

1.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарори. 26.11.2010., ПҚ-1438-сон. www.lex.uz

1.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2344-сонли Қарори. www.lex.uz

1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда. www.lex.uz

1.8. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – иқтисодий-иқтисодий олиб борилаётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2016. -88 б.

1.9. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2016. -56 б.

1.10. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. - 104 б.

1.11. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Дарслик. Т.:Молия, 2012.-184 б.

1.12. Васильева Л.С., Петровская М.В. Финансовый анализ Москва: КНОРУС, 2006г. – С.-544.

- 1.13. Воронина Л. И. Аудит. Теория и практика. Учебник для бакалавров – М.: Омега-Л, 2011. 680 с.
- 1.14. Джамбакиева Г. Финансовый учет. Учебное пособие. Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2012 г. – 348 ст.
- 1.15. Каримов А.А., Исломов Ф.Р., Авлокулов А.З. Бухгалтерия хисоби. Дарслик. – Т.: Шарқ, 2004, 592 б.
- 1.16. Karimov A.A., Islomov F.R., Avloqulov A.Z. Xalqaro audit. Darslik. –Т. “IQTISOD-MOLIYA”, 2015. -380 b.
- 1.17. Кеворкова Ж.А. Международные стандарты аудита. Под редакцией, -М.: Юрайт. 2016. -458 с.
- 1.18. Кузиев И.Н., Авлокулов А.З., Шеримбетов И.Х. Внутренний аудит. Учебное пособие-Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2016. 120 стр
- 1.19. Нидлз Б., Андерсон Х., Колдуэлл Д. Принципы бухгалтерного учета. Москва, Финансы и статистика, 1997г. - С. 496
- 1.20. Файзиев Ш., Каримов А. Аудит. Учебное пособие. –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2013. – 328 с.
- 1.21. Федоренко Н.В. Аудит: Расширяем границы науки. Теория и методология. -М.: Инфра-М, 2016. -100 с.
- 1.22. Xasanov B.A., Xashimov B.A. Boshqaruv hisobi. Darslik. –Т.: Cho`lpon nomidagi NMIU, 2013. -312 bet.
- 1.23. Xolbekov R.O. Buxgalteriya hisobi nazariyasi. Darslik. - Т.: Cho'lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2011. - 200 b.
- 1.24. Черных М.Н., Юдина Г.А. Основы аудита: учебное пособие. – 4-е изд., стер. – М.: Кнорус, 2011. – 352 с.
- 1.25. Шоалимов А.Х. ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. –Т: Лессон-пресс, 2016. -196 б.
- 1.26. Юткина.Т.Ф. Налоги налогообложение. М.: ИНФРА-М. 2011. - 432 с.
- 1.27. Qo‘ziyev I., Avloqulov A., Sherimbetov I. Ichki audit. O‘quv qo‘llanma-Т.: «Iqtisod-moliya», 2015. – 220 b.

II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

2.1. Ибрагимов А.К. Аудитнинг халқаро стандартлари асосида тижорат банклари молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини баҳолашни такомиллаштириш. Монография. –Т.: Молия. 2015. -232 б.

2.2. Саттаров М. Qarz oluvchilarning moliyaviy holatini scoring usulida baholash. Bozor,pul va kredit jurnali. №4/2015(215), -Б. 31 -37

2.3. Гайназаров Ж. Порядок проверки расчетных операций по банковским кредитам. // “Тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш, инвестицион фаоллиги ва молиявий барқарорлигини оширишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Тошкент, 2016 йил 13 апрель. –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2016. 93-94-бетлар

2.4. Гайназаров Ж. Акциядорлик жамиятлари банк кредитлари аудитини ўтказиш йўналишлари. // “Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Тошкент, 2017 йил 12 апрель. –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2017. 229-230-бетлар.

III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар

3.1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2010-2017 йиллар бўйича статистик маълумотлари.

3.2.Интернет сайтлари

- <http://www.audit.uz> (Аудиторлар Палатаси сайти)

- <http://www.gov.uz>. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси сайти)

- <http://www.mf.uz>. (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти)

- <http://www.lex.uz>. (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси сайти)

Банк кредитларининг таркиби ва асосий хусусиятлари*

Кўрсаткичлар	2015 йил		2016 йил		Ўзгариши	
	млн. сўм	улуши %да	млн. сўм	улуши %да	млн. сўм	улуши %да
1. Кредит ва лизинг, жами	29693208	100	39590914	100	9897706	33,3
шу жумладан: - муддати ўтган қарздорлик	827997	2,79	954511	2,41	126514	15,3
2. Корхона ва ташкилотларга берилган кредит ва лизинг	23119377	77,86	30660128	77,44	7540751	32,6
шу жумладан: - муддати ўтган қарздорлик	811360	2,73	933004	2,36	121644	15,0
3. Банкларга берилган кредитлар	564	0	7421	0,02	6857	1215,8
шу жумладан: - муддати ўтган қарздорлик	0	0	0	0	0	0,0
4. Давлат органларига берилган кредитлар	5399	0,02	0	0	-5399	-100,0
шу жумладан: - муддати ўтган қарздорлик	258	0	77	0	-181	-70,2
5. Жисмоний шахсларга берилган кредитлар	65869	22,12	8923365	22,54	8857496	13447,1
шу жумладан: - муддати ўтган қарздорлик	16379	0,06	21431	0,05	5052	30,8